O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.N

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 5 (238) • 2010 йил 1 февраль

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов мажлисни очиб, Олий Мажлиснинг Сенатини шакллантириш якунлари тўғрисида ахборот берди ва сайланган сенаторларни табриклади.

Сенаторлар кун тартибини тасдиқлаб, Сенат биринчи мажлисининг муваққат котибиятини, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича муваққат назорат гуруҳини сайладилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

– Авваламбор, бугун сизлар билан мана шу муҳташам залда учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларни халқимизнинг катта ишончига, яъни Олий Мажлисимизнинг юқори палатасига аъзо бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман, – деди давлатимиз раҳбари.

Бугун Сенатнинг биринчи мажлисида қатнашаётган депутатлар – булар илгари ҳам сенаторлик вазифасини бажариб, тажриба топган халқ вакиллари бўладими, илк бор ана шундай юксак шарафга муносиб бўлган инсонлар бўладими, бундан қатъи назар, сизларнинг барчангиз қандай катта ҳаяжон ва кайфиятда эканингизни сезиш, кўриш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Ҳар қайси одамнинг ҳаётида унинг катта-кичик лавозимга кўтарилиши учун қанча ишонч билдирилмасин, инсон ҳар доим барибир ўзига нисбатан эл-юрт томонидан кўрсатилган ҳурмат-эътиборни янгитдан ҳис қилиши, ўзгача ҳаяжонда, шукроналик ва миннатдорлик кайфиятида бўлиши табиий.

Шу маънода, бугун мана шу залда тўпланган Сенат аъзоларининг аксарияти очиқлик ва ошкоралик, холислик ва ҳаққонийлик руҳида, кескин курашларда ўтган сайловларда ғолиб чиқиб, ввал маҳаллий кенгашларга кейин эса Олий Мажлиснинг юқори палатасига сайланиб, қандай машаққатли танлов ва синовдан ўтганларини яхши англайдилар.

Айни пайтда бу ҳолат Сизларнинг зиммангизга нақадар улкан масъулият юклашини ва бу масъулиятни бажариш том маъ-

2-бетда

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ – УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари, дипломатик корпус, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова бошқарди.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин, депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиб, уни қондирди, ҳукуматга унинг янги таркиби шакллантирилгунга қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туриш топширилди.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзуида маъруза қилди.

Мажлисда давлатимиз раҳбари маърузасида кўтарилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари Б.Ёқубов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Хўжамбердиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари У.Вафоев, Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Ш.Хўжаниёзова, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлими раиси, сенатор Н.Аимбетов, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари И.Саифназаров, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари, сенатор Е.Борисова, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи раҳбари Б.Алихонов сўзга чиқди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасидаги қоидалар ва хулосаларни қўллаб-қувватладилар.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаси бўйича Олий Мажлис палаталарининг маърузада қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тўғрисидаги қўшма қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Ш.Мирзиёев номзодини тақдим этди.

Парламент аъзолари кўрсатилган номзодни маъқуллади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб Ш.Мирзиёевни тасдиқлади. Ушбу масала бўйича Олий Мажлис палаталари тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини якунлади.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Ҳурматли сенаторлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, барчангизни бўлиб ўтган сайловларда эришган муносиб ғалабангиз билан, Сизларга сайловчилар, мамлакатимиз аҳолиси томонидан кўрсатилган юксак ишонч билан табриклаб, Сиз, халқ вакилларига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

Аминманки, ҳақли равишда Сизларга кўрсатилган бу ишонч – биринчи навбатда барчангизнинг шахсиятингизга, билим, тажрибангиз, фидокорона меҳнатингизга, энг аввало, мамлакатимизнинг обрў-эътибори ва равнақи, эл-юртимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида қўшаётган муносиб ҳиссангизга халқимиз томонидан билдирилган ҳурмат ифодасидир.

Айни вақтда бу ишонч умумхалқ сайловларида сизлар вакили бўлиб иштирок этган сиёсий партияга, ижтимоий ҳаракатга билдирилган ишонч белгисидир.

Шу борада, ўйлайманки, шу залда ўтирган барча депутатлар яхши англамоқда, буларни, яъни, халқимиз томонидан билдирилган катта умидни, ҳар қайсингиз ўзингизнинг ҳалол амалий меҳнатингиз билан оқлашингиз зарур бўлган аванс – насия, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларнинг эътиборингизни яна бир ўта муҳим ҳолатга жалб этмоқчиман. Сизларнинг обрўйингиз – бу Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг обрўси, республикамиз парламентининг обрўси, моҳият эътиборига кўра, мамлакатимизнинг обрўси эканини ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида 2009 йил 27 декабрь куни Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар ҳақида ва шунингдек, 2010 йилнинг 10 январь куни ана шу идораларга ўтказилган такрорий сайловлар хусусида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Ушбу сайловлар ҳақида мамлакатимиздаги тегишли ваколатга эга бўлган тузилмалар кузатувчилари ва жамоатчилигимиз томонидан, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ташкилот ва кузатувчилар томонидан ҳам атрофлича, етарли ва холис баҳолар берилди.

Барча-барча берилган баҳо ва тафсилотларда аввало сайловчиларимизнинг овоз бериш пайтида умумий фаоллик, очиқлик ва ошкоралик, миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига риоя қилиш муҳити яққол намоён бўлгани таъкидланди.

Бу ўз навбатида жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйганини яна бир бор тасдиқлади.

Қонунчилик палатасига 30 фоизга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фоиздан кўпроқ депутатлар сайловларнинг такрорий босқичидан – иккинчи турдан ўтишга мажбур бўлганларининг ўзи – ушбу сайловларимиз нақадар демократик асосда бўлиб ўтганининг, ҳеч шубҳасиз, яққол исботи, десак, тўғри бўлади.

Бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

Энг муҳими, мазкур сайловлар давлатимиз ҳаётида юз бераётган барча туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни орқага қайтариб бўлмайдиган қонуний тус олганини яна бир бор кўрсатди.

Энг муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар бугунги кунда ҳаётимизни демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришлар жараёнини, ҳақиқатдан ҳам, ҳеч қандай куч орқага қайтара олмаслигининг амалий ифодаси бўлганини такрор ва такрор таъкидлашни ўринли деб биламан.

Барчамизга яхши маълумки, биз ўз вақтида шу борада муҳим қарорлар, хусусан, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунни қабул қилган эдик.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканини исботлашга, амалда бу партияларни Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий этилганидан ҳам хабардорсиз.

Бўлиб ўтган сайловлардан биз чиқаришимиз керак бўлган яна бир ўта муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар ўз вақтида қабул қилинган ана шу

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-4-бетлар Парламент мажлисларида

5-6-бетлар Қонун ҳужжатлари ижроси таҳлили

6-бет Йўлларимиз янада равон бўлади

7-10-бетлар Янги қонун ҳужжатлари

$1 = 1524,03 сўм € 1 = 2232,70 сўм £1 = 2484,32 сўм ¥10 = 169,15 сўм

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК

1-бетда

қарорларнинг нақадар тўғри ва самарали эканини кўрсатди.

Айнан ана шу хусусият – яъни, сиёсий партияларнинг ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши мазкур сайловларнинг моҳияти ва асосий маъно-мазмунини ташкил этди, десам, янглишмаган бўламан.

Ўйлайманки, ўтган сайловларнинг айни шундай аломатлари мамлакатимиз парламент тизимининг самарадорлигини оширишга албатта сезиларли таъсир ўтказади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ёруғ келажагимизни қуриш йўлида мамлакатимиз бу мураккаб сиёсий имтиҳондан муваффақиятли ўтгани учун барча фуқароларимизни яна бир бор табриклаб, бутун халқимизга чуқур миннатдорлигимни ва ҳурматимни билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Муҳтарам мажлис иштирокчилари!

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг янгитдан сайланган таркибининг бўлғуси фаолияти билан боғлиқ масалаларга ўтишдан олдин Олий Мажлиснинг ўз ваколатларини тугатган ҳар иккала палатаси аъзоларига, уларнинг сидқидилдан қилган меҳнати, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун самимий ташаккур билдиришга рухсат бергайсиз.

Маълумки, биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига – мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди.

Ўзбекистоннинг олдида турган ушбу устувор вазифаларнинг барчасини ҳал қилишда парламентнинг аввалги таркиби мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлган 250 дан зиёд қонунни қабул қилиб, муҳим ҳисса қўшди.

Бугун шу борада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, айтиш мумкинки, парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди. Умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик янада самарали таъминланмоқда.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошди.

Қонунчилик палатасида биринчи марта парламентдаги кўпчилик – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тиклаиш» демократик партияси ва шунингдек, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шакланди. Айни вақтда Ўзбекистон халқ демократик партияси фракцияси тимсолида парламентдаги мухолифат ташкил топди.

Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллади.

Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009-2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.

Бу хулосаларни тасдиқлайдиган рақамлар ҳақида гапирадиган бўлсак, оғир келган 2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошгани, ташқи савдонинг ижобий сальдоси 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этгани, ўртача ойлик даражасининг ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайганини таъкидлаш лозим. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ биз эришган кўпгина ютуқларнинг яққол далили бўла олади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуни таъкидлаш керакки, парламентимиз суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди.

Шу даврда жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини бо-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1-бетда

нода фаоллик ва фидойиликни талаб этишини ҳам яхши тасаввур қиласизлар, деб ишонаман.

Сенатнинг янги таркиби ҳам профессионал, ҳам сиёсий, ҳам тайёргарлик нуқтаи назаридан олдинги таркибга нисбатан анча юқори даражада шакланди. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида қуйидаги рақамларни келтириш ўринлидир.

Сенат янги таркиби аъзоларининг 94 нафари олий маълумотли бўлиб, уларнинг 18 нафарини иқтисодчилар, 9 нафарини юристлар, 23 нафарини муҳандис-техник ходимлар, 15 нафарини педагоглар, 8 нафарини тиббиёт ходимлари ташкил этади. Сенаторлар орасида 13 нафар фан номзоди, 8 та фан доктори, 2 нафар академик бор.

Олий Мажлисимизнинг юқори палатасига ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, таълим-тарбия соҳалари, жамоат ташкилотларининг кўзга кўринган намояндалари аъзо этиб сайлангани, ҳеч шубҳасиз, Сенатнинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Ўтган беш йил мобайнида мамлакатимизда Сенат фаолиятини йўлга қўйиш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича катта тажриба тўпланганини ҳисобга олишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари ана шундай тажрибани орттиришда, Сенат қўлга киритган барча ютуқларга муносиб ҳисса қўшган, бу борада ўзини аямасдан меҳнат қилган Сенатнинг олдинги таркиби аъзоларига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистонимизни ҳар томонлама тараққий эттириш билан боғлиқ улуғвор вазифаларни амалга оширишда, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишда барчангизга чин қалбимдан катта муваффақият ва янги омадлар тилайман, деди Президентимиз.

Ўтган давр мобайнида Сенат аввало олий вакиллик органи сифатида Ватанимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигини таъминлаш, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қонунларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш, қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича катта ишларни амалга оширганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз раҳбари Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликлар, эътибордан четда қолган масалалар, унинг олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Ўз ишимизга ўзимиз танқидий баҳо бермасдан туриб, янгитдан шакланган Сенатнинг вазифалари, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларимиз самарасини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган устувор йўналишларни белгилаб олиш мумкин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим этди.

Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Илгизар Собировни, Раис ўринбосарлари этиб Мавжуда Ражабова ва Муса Ерниязовни сайладилар.

Мажлисга раислик қилувчининг таклифига биноан сенаторлар Сенат қўмиталарини ташкил этдилар ва уларнинг раисларини сайладилар. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва этика масалалари бўйича комиссияси ҳам тузилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ниҳоясига етди.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 26 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1379,25	1 Малайзия ринггити	447,52
1 Англия фунт стерлинги	2484,32	1 Польша злотийси	529,64
1 Дания кронаси	289,76	1 СДР	2378,90
1 БАА дирҳами	416,15	1 Туркия лираси	1026,49
1 АҚШ доллари	1524,03	1 Швейцария франки	1465,70
1 Миср фунти	279,95	1 ЕВРО	2232,70
1 Исландия кронаси	12,02	10 Жанубий Корея вони	13,28
1 Канада доллари	1442,94	10 Япония иенаси	169,15
1 Хитой юани	223,26	1 Россия рубли	51,24
		1 Украина гривнаси	190,27

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	*Сана*	*АҚШ доллари*		*Евро*		*Россия рубли*	
		бирлиги	*курси*	*бирлиги*	*курси*	*бирлиги*	*курси*
Озарбайжон	28.01.2010	1	0,8035	1	1,1259	1	0,0265
Арманистон	27.01.2010	1	377,45	1	530,66	1	12,46
Беларусь	29.01.2010	1	2886,00	1	4048,48	1	95,05
Грузия	28.01.2010	1	1,7479	1	2,4589	1	5,7702
Қозоғистон	29.01.2010	1	148,19	1	208,09	1	4,89
Қирғизистон	29.01.2010	1	44,2533	1	62,5262	1	1,4867
Латвия	29.01.2010	1	0,502	1	0,702804	1	0,0165
Литва	29.01.2010	1	2,4562	1	3,4528	10	8,0926
Молдова	28.01.2010	1	12,5094	1	17,6094	1	0,4131
Тожикистон	29.01.2010	1	4,3701	1	6,1002	10	1,4556
Ўзбекистон	26.01.2010	1	1524,03	1	2232,70	1	51,24
Украина	28.01.2010	100	800,24	100	1126,0977	10	2,6417
Эстония	28.01.2010	1	11,153	1	15,6466	1	0,368154

Манба: www.prime-tass.ru

ушбу сонда:

• УСТУВОРЛИКЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси тўғрисида ахборот
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот
- Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси

- Валюталар курси *1-4-бетлар*

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

- Алишер Шайхов: қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш ва бизнес масалалари *5-6-бетлар*

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:

- ЎзР Халқ таълими вазирлиги, МВ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлигининг "Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори;
- Постановление Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан "О внесении дополнения в список N 2 производств, учреждений, работ, профессий, должностей и показателей, дающих право на пенсию с уменьшением общеустановленного возраста на 10 лет, утвержденный постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 мая 1994 года N 250". *7-10-бетлар*

• top *11-12-бетлар*

ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ – УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР

ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

скичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди. Мазкур чора-тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

2008 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

Бу ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қўшма қарорга биноан нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, демократик принципларга асосланган тизими яратилди.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Эришилган ютуқларни қайд этар эканмиз, шу билан бирга, аввалги парламентимиз фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмасдан қолган имкониятлар ҳақида ҳам айтиб ўтишни зарур, деб биламан. Бугун, Олий Мажлиснинг келгуси беш йилдаги фаолиятининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинаётган бир пайтда бу айниқса муҳимдир.

Биринчидан, шуни тан олиш керакки, Қонунчилик палатаси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслигида кўринади.

Бу кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга риоя қилмаган ҳолда, уларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишига қараб қабул қилинишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

Иккинчидан, иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаётгани жиддий камчилик ҳисобланади. Кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган.

Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 тадан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳукумати томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган.

Учинчидан, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характерига, яъни, муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмас.

Қабул қилинадиган қонун лойиҳадарида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга, такрорларга йўл қўйилганини, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўплигини қайд этиш лозим.

Ва энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий нигилизмга, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Тўртинчидан, қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларидан суст фойдаланилмоқда.

Қуйи палата фаолият юритган бутун давр мобайнида атиги бир нечта, хусусан, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширилганини албатта етарли деб бўлмайди.

Бешинчидан, парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади.

Айнан ана шундай фаолият қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётганини, хўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтож эканини, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон берган бўларди.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисолни келтириш мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби» палата томонидан 2008 йилнинг май ойига келиб, яъни парламент фаолиятининг тўртинчи йилидагина ишлаб чиқилгани ва қабул қилинганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман. Афсуски, депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти асосан шунчаки учрашувлар ташкил қилишдан иборат бўлиб қолган, таҳлилларнинг кўрсатишича, улар ҳам кўпинча номигагина ўтказилиб, фақат шикоят ва саволларга жавоб қайтариш билан чекланилган.

Олтинчидан, қуйи ва юқори палаталар амалий фаолиятининг айниқса дастлабки даврида аксарият ҳолларда ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар ҳам кузатилди, бундай зиддиятлар қонун ҳужжатларини қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистондаги олий қонун чиқарувчи орган бўлмиш Олий Мажлис томонидан амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги жараёнининг мустақил ва муқаррар таркибий қисми бўлган ҳар қайси палата фаолиятини таъминлаш жараёни қийинчилик билан йўлга қўйилди.

Албатта, ҳар қайси палата томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифа ва ваколатларни адо этиш асосида уларнинг ўртасида турли келишмовчилик ва қарама-қаршиликлар вужудга келиши ҳар томонлама табиий ва қонуний ҳолдир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сенат, унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмаслигини таъкидлаб ўтишни истардим.

Сенат – бу вакиллик органи ва унинг кўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий Кенгашларнинг ваколатли вакиллари ҳисобланади ва уларга ҳисоб беради. Ва шу сабабли ҳам сенаторларнинг ўз фаолиятида, қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда, биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, бу қонунларни ўзлари вакили бўлган ҳудуд ва минтақалар манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эгадир.

Шунинг учун ҳам Сенат томонидан бирон-бир қонун қайтарилган вазиятда тақдим этилган лойиҳаларнинг моҳияти ва маъно-мазмуни бўйича қуйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган баҳс-мунозараларни биз демократик парламент ишининг табиий ва соғлом шакли сифатида кўришимиз даркор.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолиятини талабчанлик руҳида, танқидий баҳолар эканмиз, парламент ишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этмасдан, сусткашлик ва ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бермасдан туриб, депутат ва сенаторлар ўз олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга, сайлов пайтида сайловчиларига берган юксак ваъдаларининг устидан чиқишга эриша олмаслигини яққол англаб, тушуниб олишимиз керак.

Айниқса, янгитдан сайланган парламент сифат жиҳатидан янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши зарурлиги барчамизга аниқ-равшан аён бўлиши лозим.

Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир.

Мана, ён қўшнимиз Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган қуролли можаронинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Халқимизда «Қўшнинг тинч – сен тинч» деган мақол бежиз айтилмаган. Қўшни мамлакат ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб турар экан, албатта, минтақамизда тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади.

Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан муҳим амалий ташаббусларни доимий равишда баён қилиб келмоқда. Айниқса, НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилади. Ўзбекистоннинг бу таклифи дунё сиёсий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Афғон можаросини ҳал қилиш учун 30 йил давомида миллиард-миллиард доллар маблағ сарфланди. Лекин, аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча, мамлакатдаги кескинлик кучайиб бормоқда.

Аввало, маҳаллий халқ, қайси миллат ва элатга мансублигидан қатъи назар, бир-бири билан келишиши керак, бунинг учун уларга ёрдам, биринчи навбатда иқтисодий ёрдам бериш лозим.

Энг муҳими, афғон халқининг миллий урф-одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини ҳурмат қилиш зарур. Бошқача айтганда, аввало халқни ҳурмат қилиш, кейин унга ақл ўргатиш керак.

Шу кунларда Афғонистон масаласи бўйича Лондонда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманда ана шундай ёндашув асосида умумий бир қарор қабул қилиниши ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Яъни, дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб, амалий хулосаларга келмоқда. Бу, ўз навбатида, Бухарест саммитида Ўзбекистон илгари сурган ташаббуснинг нақадар тўғри эканини яна бир бор кўрсатмоқда.

Қисқача айтганда, жафокаш афғон заминида тезроқ тинчлик қарор топиши учун жаҳон ҳамжамияти, авваламбор иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиши ва бу ишларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатилмоқда. Албатта, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишдан аввало унга қўшни бўлган давлатлар манфаатдордир.

Ўзбекистон ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан 6 баробарга оширилди.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан «Термиз – Ҳайратон – Мозори Шариф» темир йўлини қуриш ишлари бошланмоқда ва ишонаманки, у йил охирига қадар якунига етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, парламентимизнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида масъулияти катта. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Азиз дўстлар!

Юқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси парламентимиздан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида мунтазам изланишни, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса авваламбор улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришни талаб этади.

Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор.

Бу вазифалар биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади.

Бу вазифа авваламбор демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатдир.

Ўйлайманки, Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам, олдимизда турган ишларнинг амалий дастурини тайёрлаш жараёнида ана шу вазифаларнинг барчаси ҳисобга олинади ва охиригача пухта ишлаб чиқилади.

Менинг чуқур ишончим бўйича, энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Биринчи. Мана шу юксак минбардан туриб қатъий таъкидлашни истардим: агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъмин-

4-бетда

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ – УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР

3-бетда

ламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз.

Шу борада Конституциямиз муҳрлаб қўйган давлат ҳокимияти тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя қилган ҳолда, парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтириш масалалари эътиборимиз марказида туриши керак.

Бу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига, сиёсий партиялар фаоллигининг кескин ошишига, улар ўртасида рақобат асосидаги курашнинг кучайишига шароит туғдириб бериш алоҳида ўрин тутади.

Биз ўз олдимизга қўяётган бу вазифанинг туб моҳияти шундаки, у партиялар ўртасидаги сайловолди кураши, Олий Мажлисимизнинг янги таркибини шакллантириш пайтида бўлиб ўтган ғоя ва дастурлар кураши парламентнинг кундалик фаолиятида ҳам давом этишини ва янада чуқурлашиб боришини назарда тутади.

Айнан парламент фаолиятида, таъбир жоиз бўлса, ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эришиши лозим.

Ишончим комилки, Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширишга, парламент ролининг, унинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга таъсирининг кучайишига ёрдам беради.

Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак.

Бу ҳақда гапирганда, «мамлакат раҳбариятининг ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги стратегик йўлини сиёсий қўллаб-қувватлаймиз» деган умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатдош лойиҳалар ва ҳар қайси партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазифаларини ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этган ҳолда, фаол иш олиб бориш даври келганини таъкидлаш лозим.

Бунда жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халақит бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ, ошкора ва амалий рухда муҳокама қилиш, ўз хизмат жойида зиммасига юкланган мажбуриятларни уддалай олмаётган давлат органлари, хўжалик бошқаруви, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларининг раҳбарларини асосли танқид қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партияларараро қизғин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир.

Шуни очиқ тан олиш керак, Қонунчилик палатаси ва Сенатда, афсуски, бу борадаги ишлар ўта қониқарсиз йўлга қўйилган. Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси, тегишли тармоқларда устувор давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлик ва қўмиталар, ижро этувчи ташкилотлар раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам эшитилади ва муҳокама қилинади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, парламентда бундай ҳисоботларни эшитиш кўпроқ умумий, яъни танишув ҳолатига эга бўлиб, кўрилаётган масала бўйича муайян қўмита ёки комиссиянинг позицияси аниқ белгилаб олинмаган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилиб тавсия этилган бирон-бир дастур ва ҳужжат қабул қилинмаган.

Келгусида қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан марказда ва жойларда кенг фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриш керак.

Давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш парламент фаолиятининг кундалик ишига айланиши даркор.

Шу билан бирга, ижро ҳокимияти раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг улар бевосита масъул бўлган соҳаларда қонунларнинг қандай бажарилаётгани бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш зарур.

Хусусан, парламент назоратини амалга ошириш жараёнида давлат тузилмаларининг иқтисодиёт соҳасига асоссиз аралашувини камайтириш чораларига алоҳида аҳамият қаратиш керак.

2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини, унда кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий соҳанинг изчил ривожланишини, мамлакатда барқарорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Парламент назоратининг парламент сўрови, парламентда ҳисоботни эшитиш ва парламент фаолиятининг қонунда кўзда тутилган бошқа шаклларидан кенг фойдаланиш лозим.

Парламент сўровида кўтарилган масалалар бўйича асосланган изоҳ ва ҳар томонлама тушунтириш бериш давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Бу вазифанинг бажарилиши бўйича жавобгарлик барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идораларининг раҳбарлари ва прокуратура зиммасига юклатилиши керак.

Ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқдир.

Бу борада партияларнинг матбуот нашрлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Лекин, афсуски, бундай нашрлар ҳали-бери заиф бўлиб, содда қилиб айтганда, «тиш-тирноқсиз» бўлиб қолаётганини қайд этиш лозим.

Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур.

Мазмун-моҳиятига кўра, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда.

Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантиришни, унинг мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини англатади.

Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш даркор.

Шу мақсадда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини ошириш даркор.

Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Токи бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллай олсин.

Шу муносабат билан бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим.

Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак – бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади.

Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур.

Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти қанчалик ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз.

Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда.

Шу муносабат билан маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш бундан кейин ҳам бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор.

Бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб бориш, давлат ижтимоий дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Маҳалланинг фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор.

Миллий матбуотимизнинг сифатини ошириш, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари долзарб ўрин эгаллайди.

Соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ҳам оширишни кўзда тутади.

Қадрли ватандошлар!

Бўлиб ўтган сайловларда халқимиз аввало мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий ҳаётимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бориш учун овоз берди.

Бугунги кунда эл-юртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислоҳотлар тақдири учун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай юксак ишончни оқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, депутатлик ва сенаторлик фаолиятингизда куч-қувват ва омад, хонадонларингизга бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

АЛИШЕР ШАЙХОВ:

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА БИЗНЕС МАСАЛАЛАРИ

Бир йилча аввал, аниқроғи 2008 йил 26 декабрда Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимизда Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини (ҚҲТБТ) жорий этиш юзасидан йиллик тадбирлар режасини тасдиқлади*. Режада 60 дан ортиқ банд мужассам топган бўлиб, деярли барча давлат органлари ва идоралар, шунингдек айрим илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари қамраб олинди, мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш кучлари бундан мустасно. Қуйида унинг иш якунлари эмас, қонун ижодкорлиги ва мониторингнинг мавжуд, яхши йўлга қўйилган тизимлари бўлгани ҳолда ҚҲТБТ кимга ва нима учун керак бўлиб қолганлиги ҳақида сўз юритилади.

Суҳбатдошимиз - Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер ШАЙХОВ.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ДАРАЖАСИ МУҲИМ БЕЛГИ

- Алишер Эркинович, ҚҲТБТ жорий этилиши билан бизнес борасида нималар ўзгариши керак?

- Давлат бугунги кунда хусусий сектор равнақ топишига имконият бериш мақсадида иқтисодиётдан иложи борича ўзини "четга олиш"га ҳаракат қилмоқда. Тўғри-да, қонун ижодкорлиги, унинг ижроси устидан мониторинг ва назорат олиб бориш билан давлат тузилмаларидан ташқари нодавлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари ҳам шуғулланишлари лозим. Чет элларда, масалан, кўпгина мамлакатларда солиқ органлари фуқароларга солиқларни ҳисоблаб чиқариш юзасидан кўмак бериш борасида зиммага ҳеч қандай мажбурият олмайдилар. Бу борада бутун жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига тушади...

- Ва ниҳоятда қаттиқ жазо чоралари қўллаш билан «рағбатлантирилади»...

- Рост-да, жазо тизими ҳам ишлаши керак-ку. Шу маънода энг муҳим масала ҳуқуқий онг эканлиги равшан.

- Қачон қараманг, фақат шу ҳақда гапиришадию, аммо бунда катта арава юрган йўлдан кичиги ҳам юришини кўпинча унутиб қўйишади. Бизнес аҳлида ҳуқуқий онг бўлмагани ҳолда амалдорларда ҳавас қилса арзигудек ҳуқуқий онг бўлади дейиш баайни чўпчакдек гап...

- Умуман олганда, гапингизда жон бор. Тадбиркорларимиз давлат ҳамиша ўргатиб туриши, назорат қилишига, қонун ҳужжатлари ижро этилишини кузатиб боришига, тўланган солиқларни қайта ҳисоблаб кўришига ўрганиб ҳам қолишган. Маълум маънода буни табиий ҳолатга йўйса бўлади. Мустақилликка эришганига эндигина 18 йил бўлган давлат тараққиётида буни табиий ҳолат дейиш мумкин... Биздаги хусусий сектор ва айниқса кичик бизнес соҳасида шуғулланаётган кишилар кечаги ўқитувчи ва муҳандис, уй бекаси ва ишчи эканлигини унутмаслик керак. Масъуллик ва жавобгарликни бир ижтимоий қатлам зиммасидан олиб иккинчисининг гарданига юклаш анчагина оғир кечадиган жараён бўлиб, қонун ҳужжатларимиз амалда қандай ижро этилаётганига таъсир қилмаслиги мумкин эмас.

- Башарти сиз бизнес аҳлига мансуб бўлсангиз, ё ўз ишингиз билан машғул бўласиз, ёки қонун ижодкорлиги ва мониторинг билан шуғулланасиз. Ҳар иккала жабҳани қўшиб олиб бора биладиган мутахассислар - аудиторлар, юристлар, турли йўналишдаги маслаҳатчилар ҳам бор, албатта. Аммо сиз ишлаб чиқаришни юритаётган бўлсангиз, нари борса ахборотнинг шунчаки манбаи бўла оласиз. Шунда ҳам кимдир ҳузурингизга ана шу ахборотни излаб бориши керак бўлади.

- Бизнес соҳаси қонун ҳужжатларидаги ўзгартишларга сезгир бўлиши, ишлаб чиқилаётган қонун нормаларини олдиндан баҳолай билиши лозим. Тадбиркорларимизда умумий иш учун амалда фойдасиз бўлган, орқаворотдан гапнинг сўз қилиб юришдек номатлуб одат бор. Кимдир ниманидир ўйлаб топгани, тўқигани ҳақида чойхонабоп гаплардан нарига ўта олишмайди... Ҳозирги кунда ўз фикрини ҳукуматга ишлаб чиқаришдан "ажралмаган ҳолда" етказиш имконини берадиган йўллар ва усуллар эса кўп. Биринчи навбатда, бу парламентдир. Сенат, Қонунчилик палатаси хилма-хил масалалар юзасидан мунтазам равишда сайёр мажлислар ва давра суҳбатлари ташкил этади. Зотан улар зарур маълумотларни тадбиркорларнинг ўзларидан олишдан манфаатдордир. Тадбиркорлар эса кўпинча кўнгилни очиб, дилидагиларни айтишга ботинмайдилар, бундан бирон маънили гап чиқишига ишонқирамайдилар шекилли.

- Лекин Солиқ кодекси халқимиз томонидан жуда фаоллик билан муҳокама этилди.

- Мутлақо ҳақсиз. Бизда Солиқ кодекси билан Божхона кодексига келганда, қизиқ бўлмоқда. Бизнес учун энг муҳим ҳужжат – Солиқ кодексини олайлик. Уни шу кунгача ҳам, ҳозир ҳам муҳокама қилаётганлар, одатда, корхоналарнинг раҳбарлари ва бизнес мулкдорлари эмас. Бу билан асосан бухгалтерлар, бинобарин, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни топшириш учун бевосита мутасадди мутахассислар шуғулланмоқдалар. Шу ўринда мен яна ўша, ҳуқуқий маданият деб аталмиш нуқтага қайтаман...

Корхона мулкдори бухгалтерия ҳисобини юритишдан асосий мақсад аслида солиқлар ва статистика бўйича ҳисоботларни тўлдириш эмас, балки бизнеснинг барқарорлиги ва муваффақияти эканлигини тушуниб етмас экан, корхонада амалда у эмас, балки бош бухгалтер асосий сиймо бўлиб қолаверади.

ГАП СОЛИҚЛАРДАГИНА ЭМАС

- Табиийки, ҳозирги кунда бизнес солиқ билан боғлиқ талабларни ижро этиш зарур ҳисобланган шароитда иш юритмоқда. У ана шу талабларни бажариши керак. Лекин унинг учун бу нарса энг муҳими эмас!

Таассуфки, шу кунга қадар тизим ҳамиша қуйидаги алфозда ишлаб келди: солиқ тўғрисидаги аввалги қонун ҳужжатларининг нормалари жилла очиқ-ошкора эмасди, жазо тизими қатъий тарзда, қаттиққўллик билан қўлланар, баъзан жаримага тушиб қолган субъектни хонавайрон қилишгача бориб етарди. Шу сабабли ҳам бизда бухгалтерия ҳисобига бутунлай ўзгача муносабат шаклланган. Ҳисоботни вақтида топшириб, солиқларни вақтида тўласанг, марра сеники. У ёғини вақт кўрсатади. Такрор бўлса ҳам айтиш жоизки, тадбиркорнинг биринчи галдаги вазифаси юритаётган бизнесининг очиқ-ошкоралигини таъмин этувчи ҳамда давлат олдидаги мажбуриятлари ҳисоби тўғри юритилишига имкон берувчи бухгалтерия талаб даражасида ишлашига эришишдан иборат.

Эндиликда кичик бизнес корхоналарининг аксарияти учун ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базанинг атиги 7 фоизини ташкил этади, унинг бошқа барча мажбуриятлари давлатга дахлдор эмас. Амалда шундай бўлмоқдаки, бизнес соҳасининг давлат олдидаги мажбуриятлари ҳажми унинг маҳсулоти истеъмолчиларига, шериклларига, ўз ходимларига бурчли бўлган мажбуриятларининг 10 фоизини ҳам ташкил этмайди. Бироқ унга қарашли бухгалтерияда меҳнат ресурсларининг ҳамда иш вақтининг 80 фоизи ҳисобот тайёрлашга кетмоқда.

Худди ана шу ерда Солиқ кодекси нормаларини қабул қилиш ва ижро этишнинг асосий муаммоси келиб чиқади... Корхона раҳбари масаланинг моҳиятини амалий жиҳатдан билмаганлиги боис бу вазифани тўлалигича бухгалтер зиммасига ошириб юборади. Бизнесни юритишнинг солиқ билан боғлиқ шартларидан унинг манфаатдор бўлиши тақозо этилса-да, касб борасида, одатда, бунга тайёргарлиги йўқлиги боис баҳс-мунозараларда иштирок этмайди. Бухгалтер эса қўшилган қиймат солиғини тўлаш механизми, ҳисобварақ-фактура билан боғлиқ қандайдир майда нарсаларга берилиб кетиб, асосий масалани қамраб ололмайди.

Парламент қўшилган қиймат солиғи механизми, айтайлик, бирон-бир тўқимачилик компанияси ёки хизмат кўрсатиш соҳаси корхонаси бу солиқни қандай тўлаши лозимлигини аниқловчи тафсилотларга берилиб кетмасдан, мазкур механизм ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун қай йўсинда ишлаши кераклиги ҳақидаги масалани **стратегик** жиҳатдан белгилаб бериши керак. Афсуски, кўпгина ҳолларда қонун ҳужжатларини муҳокама этиш корхона бухгалтери билан давлат органи вакили тимсолидаги, таъбир жоиз бўлса, "давлат бухгалтери" ўртасидаги мунозарага айланиб кетади. Бир тарафни солиқ тўланганидан кейин қанча фойда қолиши қизиқтирса, иккинчи тарафни бюджетга қанча солиқ тушуми тушишигина қизиқтиради. Тамомвассалом. Ҳолбуки, мамлакатимиз Президенти таъкидлаб ўтган асосий муштарак мақсад Солиқ кодекси халқ фаровонлиги учун, умуман олганда, мамлакат ялпи ички маҳсулоти кўпайиши учун хизмат қилишидан иборатдир.

- Бундай ҳолатда тадбиркорликнинг хусусий манфаати ва мақсадини парламентнинг глобал, стратегик манфаати ва мақсади билан ким бирлаштирмоғи керак?

- Энг аввало, қонун ҳужжатлари солиқ ва бошқа хил ҳуқуқий муносабатларнинг барча қатнашчиларига бирдек тушунарли ёки тушунарсиз эканлиги, давлат билан бизнес соҳасининг ҳамкорлик механизми, ана шу субъектлар ўртасида юзага келаётган низоларни бартараф этиш механизми ишлаётган-ишламаётганлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиши керак. Қонун ижодкорлигининг эътибор доираси шунга қаратилмоғи лозим. Қолганлари эса солиқ солиш соҳасидаги давлат сиёсатини ва қонунчилик нормаларини тушунтириш билан боғлиқ ишлар бўлиб, улар бевосита солиқчиларнинг вазифаси доирасига киради. Бизнеснинг муайян соҳаси учун тегишли йўриқномасини солиқчилар хизмат хонасида ўтириб олиб эмас, балки жойларда тўқимачилар, қурувчилар, савдо корхоналари ва шу сингарилар билан яқин алоқада ишлаб чиқиши жоиздир. Бу эса парламент аъзосининг эмас, балки солиқчининг иши даражасини кўрсатувчи кўрсаткичдир. Тўғри, Савдо-саноат палатаси ва бошқа нодавлат ташкилотлари ҳам бизнес аҳли билан шу хил ишларни фаол тарзда олиб бормоғи керак.

МАЪЛУМОТЛАР КЎП-У, АХБОРОТ ЙЎҚ

- Амалдор оралиқ ҳолатда, яъни қонун чиқарувчи билан тадбиркор ўртасида қолган пайтда идоравий, янада аниқроқ айтганда, "бюджет" манфаатлари барибир устунлик қилса керак-а?

- Ҳозирча шундай. Тармоқ уюшмалари, хусусан экспорт қилувчилар, мебелчилар, сартарошлар ва шу сингари соҳа кишилари уюшмалари тизимини шакллантириш устида иш олиб бораётганлигимиз бежиз эмас. Зеро бизнес соҳасида умумлашма, жамлама фикр бўлмас экан, бизнесда муносиб аксадо, яъни ҳаракатлар бўлмайди. Ўз нуқтаи назарини мўлжал қила билмаса, асосий манфаати нимада эканлигини тасаввур қилмаса, жамлама фикр қаёқдан ҳам бўлсин?!

Ахборотни тадбиркорнинг эътиборига етказиш эса бутунлай бошқа масала. Яхшиямки, бахтимизга ихтисослаштирилган босма нашрлар бор...

- Интернет ҳам борлигини айтмайсизми?! Лекин ҳукуматимиз тегишли қарор чиқарганига, қўллаб-қувватлаб келаётганига қарамай, Интернет имкониятларидан ҳанузга қадар тўлиқ фойдаланилмоқда деб бўлмайди. Идоравий ресурс вақтида янгиланмайди, натижада бирон фойдали нарсани билиш имконияти ҳамин қадар.

- Ҳаммаси тўғри. Ҳатто шу тизимда ҳам ҳозирча жипслашув кўзга ташланмайди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимни бирхиллаштириш, давлат порталини кучайтириш устида жиддий иш олиб бормоқда... Агентликка идораларни тор маҳкамачилик манфаатларидан холи этишга уринаётганлиги учун ҳам чуқур миннатдорчилик билдириш зарур. Ўйлашимча, давлат муассасалари ҳозирги кунда Интернетда ўз ёғига ўзи қовурилиб юрмаслиги керак. Давлат ва ҳукумат доирасида шериклар билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан иш олиб борилиши зарур. Буларнинг ҳаммаси тизимли асосда, уйғун ва узвий ҳолда олиб борилиши ва мувофиқлаштириб турилиши зарур.

- Ахборот алмашиниш биздаги энг оғриқли масалалардан ҳисобланади. Бизнес соҳаси у ёқда турсин, идоралар ўртасида ҳам ахборот алмашиниш муаммолигича қолмоқда...

- Биласизми, ғояга кўра бизда амалда бутун статистика иши ва ахборот алмашиниш учун, шу жумладан барча идораларда ички ахборот алмашиниши учун жавоб бериши лозим бўлган орган бор. Лекин идораларнинг ҳар бири ўзича статистика шаклларини ўйлаб топишга ҳамда қандайдир қисқа муддатли вазифаларни бажариш билан боғлиқ ўз манфаатларидан келиб чиқиб мутасаддилик қиладиган бизнес субъектларига уларни тиқиштиришга ҳаракат қилади. Умуман олганда, ҳозирги вақтда амал қилиб турган статистика тизимига нисбатан жиддийроқ ва салмоқлироқ тизимни ишлаб чиқишга қодир битта орган бўлса, ишни ташкил этиш бир мунча енгилроқ кечарди. Биз ҳар бир босқичда янги-янги шаклларга мурожаат этиш ва кейинчалик уларга тузатишлар, аниқлаштиришлар киритишдан халос бўлардик. Турли идоралардаги ҳамкасбларимга озгина фурсат тўхтаб, нималар билан шуғулланаётганимиз ҳақида атрофлича ўйлаб кўришга ҳамиша вақтимиз етишмаслигини кўп марта таъкидлашга тўғри келади.

Шундай мамлакатлар борки, уларда, хусусан Япония ва Кореяда статистика ва маълумотлар тўплаш билан боғлиқ айрим қарорлар қабул қилиш чўзилиб кетганлиги учун баъзан танқид ҳам қиладилар. Аммо қандайдир ахборотни сўраш, талаб қилиб олишдан аввал ўша ташкилот сўралаётган нарсани сенга тақдим этишга қодирми, йўқми, ўйлаб кўриш лозим. Кейин эса олинган ахборотларни тафтишдан, инвентаризациядан ўтказиши керак. Кўпинча шундай ҳам бўладики, сўралаётган, талаб қилинаётган ахборотнинг аксарияти илгари бир неча марта сўралган бўлиб чиқади. Муаммо шундаки, идораларда ахборот тизимлаштирилмайди, рисоладагидек архивлаштирилмайди, фойдаланилмайди, кераксиз юк бўлиб бир чеккада ётаверади. Оқибатда қандайдир янги ахборот билан тўлдириш, бойитиш мумкин бўлган тайёр маълумотлар базаси асли тагида йўқ бўлиб чиқади.

БОРЛИККА БОР-У, ЛЕКИН ТАЛАБ ҚИЛИНАЁТГАН ДАРАЖАДА ЭМАС

- Юқорида айтилганлардан ҚҲТБТни амалиётга татбиқ этишни яқин бир-икки йил ичида амалга оширишимиз қийин деб хулоса чиқариш мумкин шекилли. Бу борада

6-бетда

АЛИШЕР ШАЙХОВ:

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, АМАЛДОРЛАР ҲАМДА БИЗНЕС ҲАҚИДА

1-бетда

ҳал этиладиган қанчадан-қанча теран муаммолар борга ўхшайди... - Йўқ, унчалик эмас. Ишни бошидан бошлашга ҳожат йўқ. у борада ишга киришган пайтимизда кўпчилик ҳаммаси мураккаб, кўп вақт талаб қилади деган фикр билдирганди... Аслида мамлакатимизда ҚҲТБТнинг қисмлари анчадан бери рисоладагидек, ҳатто самарали ишлаб келмоқда. Қонунчилик палатаси, Сенат, Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Вазирлар Маҳкамаси, бошқа бир туркум идоралар, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш қўмитаси шулар жумласидандир... Қонун ҳужжатлари ижроси устидан биз улар билан биргаликда мунтазам равишда мониторинг ўтказиб келмоқдамиз. Кўпгина мамлакатларда бу таҳлид ривожланган ихтисослаштирилган тизимнинг ўзи йўқ!

Бир тасаввур қилинг, керакли барча қисмлар бор. Сиздан идораларнинг ўзаро ҳамкорлик ҳаракатларини йўлга қўйишу, бу жараёнларга фуқаролик жамиятини, бизнес субъектларини ва илмий-тадқиқот институтларини жалб этиш талаб этилади, холос...

Ҳар бир қонун ҳужжати амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ жиҳатларни илмий асосда идрок этиш парламентнинг вазифаси эмас. Илмий-текшириш институти чет эл қонун ҳужжатларини қиёсий таҳлил этиб таклифлар тайёрлашга буюртма олиши керак. **Бутун жаҳонда тезкор ишлар билан шуғулланувчиларда вақт, махсус билим етишмаслиги билан боғлиқ кемтикликни тўлдириш учун ҳам илм-фан мавжуд.** Борди-ю, илмий-тадқиқот муассасаси қиладиган вазифани идораларга, Вазирлар Маҳкамасига, Олий Мажлисга ёки бизнес жабҳасига тиқиштирадиган бўлсак, оқибатда ҳеч қандай натижага эга бўлмаймиз. Илм-фан бир чеккада қолиб кетгач, кутилган самарани олишимиз даргумон. Ҳеч нарса илм-фаннинг ўрнини боса олмаслиги турган гап.

- Сифатли ахборот ва таҳлил иши қимматга тушадими?

- Юқорида айтилган тасаввуримиздаги ҳолатга қайтайлик. Мамлакатимизда пул ҳам, етарлича илмий салоҳият ҳам бор. Ҳаммаси жойига тўғри қўйилиб, ўз ўрнида ишлатилса бас.

- Қўшни мамлакатлардан бирининг солиқ идораси ўзининг сайтига қонун ҳужжатларидаги қандайдир янгиликларни жойлаштирар экан, эмин-эркин кириш мумкин бўлган иккита жадвал ҳам илова қилади. Уларнинг бирида бу мамлакатдаги "Фаолиятнинг ҳар хил турларидаги солиқ юки", иккинчисида эса "Фаолиятнинг ҳар хил турларидаги рентабеллик" қайд этилади. Бундай маълумотларни бизда ҳам расмий йўл билан топса бўладими?

- Биз ҳозирги кунда айни шу масала билан, яъни тармоқлар бўйича солиқ юки ҳисоб-китоблари ҳамда бизнеснинг ҳар хил турларидаги тахминий рентабеллик кўрсаткичлари билан шуғулланмоқдамиз. Бунинг ниҳоятда аҳамиятлилиги шундаки, эндиликда ҳар қандай хорижий инвестор инқироз исканжага олган шароитда сармоясини рентабеллиги 10-11 фоиздан ортиқ корхоналарга тикишга тайёр. Ҳар хил сабабларга кўра бир тармоқнинг ўзида рентабеллик ва солиқ юки баъзан кўпинча ҳар хил бўлади ва қалқиб туради.

- Солиқ тўловчининг психологиясини, солиқ сиёсатининг иқтисодиёт билан боғлиқ бўлмаган сабаблари ва оқибатларини, бошқа кўпгина қизиқарли нарсаларни ўрганадиган илм – фискал социологияни олайлик... Интернетга кириб шу йўналишда изланиб кўринг. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиларининг бу йўналишда ақалли битта ишини топсангиз, жон дердик. Бахтга қарши, бу илм билан Россия Олий иқтисодиёт мактаби профессорларидан бўлак ҳеч ким қизиқмаётган кўринади... Бошқа ҳар қандай муаммода ҳам аҳвол шу. Уларда илмий ишлар ғиж-ғиж - ҳеч ким фикрини. ғоясини кимдир ўғирлаб олиши, ўзлаштиришидан чўчимайди ҳам...

- Бунда ҳам олий ўқув юртларининг ўзини айблайдиган бўлсак, тўғри бўлмайди. Бизда махсус тизим – Илмий тадқиқотларни ривожлантириш маркази, шунингдек давлат идораларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириши, таҳлил ишлари учун илмий-тадқиқот институтларига буюртма шакллантириши шарт бўлган Мувофиқлаштирувчи кенгаш бор. Аммо биз одатдагидек, шошқалоқлик қиламиз, ҳаммасини тезроқ битириш тараддудига тушамиз.

Мамлакатимизда ислоҳотлар сустроқ бормоқда деган гапларга ҳеч қачон қўшилмайман. Аксинча, биз қонун ҳужжатларимизни анчагина тезкорлик билан ўзгартирамиз. ҚҲТБТ эса ўзаро ҳамкорликни таъминлаб, барча манфаатдор тарафларни ягона ахборот ўзанига жалб этувчи айни керакли алоқани таъминлайди.

- Мен фақат очиқ тизимга жалб этиш мумкин деб ҳисоблайман. Бу ахборот алмашиниш тизими бўлса, у кам деганда икки тарафлама бўлиши лозим. Бинобарин, бизнес соҳасидан ниманидир сўрашдан аввал унинг барча саволларига жавоб бериш зарур.

- Фикрингизга қўшиламан. Муҳокама учун унчалик очиқ-ошкора бўлмаган муайян камгаклар бор. Бу ҳол турли омиллар билан боғлиқ. Бизнес борасида эса бир-иккита масалаларни истисно этганда, ҳаммаси шу даражада очиқ ва ошкораки, бундан яхшиси бўлмаса керак. Исталган ахборотни олиш эса вақтлар келиши билан ҳал бўладиган масала.

Бошқа жиҳатдан олганда, бу мавзуда Давлат статистика қўмитаси билан баҳс-мунозара доимийлик касб этмоқда. Воситалар ҳам, "ақлзаковат" ҳам, техника ҳам, хуллас ахборотни тўплаш ва ҳар қандай ахборотни таҳлил этиш учун керакли ҳамма нарса бор. Гап бу ахборот кимга ва нима учун керак эканлигида. Агар статистика жабҳасидаги ҳайҳотдек механизм кейинчалик ҳеч кимга керак бўлмайдиган қандайдир ҳисоботни тайёрлаш учун зарур бўлса, бунчалик кучни, маъмурий ресурсни беҳуда ишлатишдан не наф?! Бундай қараганда, ахборот очиқ ва ошкора бўлгани билан сизга ҳеч нарса бермайди. Саломга алик деганларидек, бизнес билан статистика ўртасида алоқа икки тарафлама бўлса ва у бизнес учун керакли ўзанга мўлжалланган бўлса, айни муддао. Негаки, корхоналарнинг маркетинг тадқиқотлари асосан ҳамма эмин-эркин баҳраманд бўладиган маълумотларга таянади... Ана шундагина биздаги ахборот алмашиниш тизими чинакам очиқ ва ошкоралик мақомига эришади деса бўлади.

Юлия ЯШИНА,
"Норма маслаҳатчи" махсус мухбири.

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 декабрдаги "Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 281-сон қарори.*

Интеграция

ЭКСПЕРТЛАР ҲУКМИГА

Ўтган чоршанбада пойтахтдаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида Марказий Осиёда ТРАСЕКА* дастурининг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон томонидан халқаро экспертлар кўриб чиқишига тақдим этилган лойиҳаларнинг устуворлигини баҳолаш бўйича минтақавий конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбир ТРАСЕКА дастурининг мақсадли кўрсатмаларидан бири – инвестицияларни жалб этишга кўмак берадиган омил сифатидаги аҳамиятини ошириш орқали минтақавий ҳамкорликка кўмаклашиш доирасида амалга оширилди. Кўп сармоя талаб қиладиган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун истиқболли реал лойиҳаларни аниқлаш ва уларни амалга оширишнинг устувор жиҳатларини белгилаш ғоятда муҳимдир, деб таъкидлади **ТРАСЕКА хукуматлараро комиссияси Доимий котибиятининг бош котиби Жанторо Сотиболдиев.**

Европа Иттифоқи ва ТРАСЕКА дастури бошқа минтақалари иштирокчи мамлакатларининг (Германия, Италия, Болгария, Грузия ва Озарбайжон) вакиллари кирган эксперт халқаро гуруҳининг "ҳукми"га минтақавий транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича 23 лойиҳа тақдим этилди. Мисол учун, Тожикистондаги "АВВАТ" Халқаро автоташувчилар уюшмаси ва Қозоғистон транспорт идораси мутахассислари ўз мамлакатлари автомобиль йўлларининг айрим участкаларини реконструкция қилишга эътибор қаратдилар. Қозоғистон темир йўлчилари темир йўл участкаларини электрлаштиришга устувор аҳамият қаратдилар. Қирғизистон делегациясининг икки лойиҳаси эса ҳаводаги ҳаракатни бошқариш салоҳиятини кенгайтириш (навигация ускуналарини модернизациялаш ва ҳоказо) ҳамда Бишкек, Иссиқкўл ва Ўш халқаро аэропортларини реабилитация қилиш масалаларига тааллуқли бўлди.

Ушбу лойиҳаларнинг ҳаммасини транспортчилар тақдим этдилар. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг "ТРАСЕКА дастури минтақаларида ташишларни ривожлантириш учун божхона ва чегара постларида ахборот технологияларини қўллаш" тақдимоти конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистонликлар жами бешта лойиҳани тақдим этдилар. Уларнинг иккитаси "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тақдим этган "Чегара станцияларида узатиш пунктларини ахборотлаштириш воситалари ҳамда автоматлаштирилган тармоқлар ва тизимлар билан жиҳозлаш" ва "Қўнғирот-Бейнов участкасида оптик толали алоқа линияси" лойиҳаларидир. Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Марказий Осиё мамлакатларида автотранспорт воситаларини назорат қилиш ва уларнинг экологик параметрларини тартибга солиш тизимини ривожлантиришга эътибор қаратди. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси эса "Навоий" халқаро аэропорти негизида минтақалараро транспорт-тақсимлаш узелини барпо этишга диққатни кучайтирди.

Экспертлар ва Доимий котибиятнинг чиқарган ҳукми баҳор бошларида маълум бўлади. Шундан сўнг танлаб олинган лойиҳалар бошқа минтақаларнинг лойиҳалари билан биргаликда ТРАСЕКА дастури барча иштирокчи мамлакатлари вакилларининг кенгайтирилган учрашувида кўриб чиқилади.

Минтақавий конференция иштирокчилари таъкидлаганларидек, дастурнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган бюджет компоненти ТРАСЕКА дастурини янада жозибалироқ қилади ва қулай инвестиция муҳитини яратади. Бизнинг мамлакатларимизни ТРАСЕКА линияси бўйича транспорт, савдо ва инвестиция алоқалари тизимига жалб этиш эса уларнинг минтақавий позицияларини мустаҳкамлашга, стратегик жиҳатдан муҳим бўлган минтақада ҳамкорлик ва хавфсизлик муҳитини яратишга имкон беради. Бу эса минтақавий ҳамкорликнинг ижобий роли ва жуда катта салоҳиятга эгалигига яна бир далилдир.

Ўз ахборотимиз.

**Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги.*

МАЪЛУМОТНОМА

Европа Иттифоқи томонидан ТАСИС дастури доирасида ишлаб чиқилган ТРАСЕКА лойиҳаси Европа ва Марказий Осиё минтақасини транспорт-коммуникациялар йўлаги билан бирлаштириб, бу билан Буюк ипак йўли маршрутларидан бирини тиклашни кўзлайди.

1998 йил 7-8 сентябрда Боку шаҳрида ўтказилган Тарихий Ипак йўлини тиклаш бўйича халқаро конференция доирасида Озарбайжон, Арманистон, Болгария, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Руминия, Тожикистон, Туркия, Ўзбекистон ва Украина томонидан имзоланган "Европа-Кавказ-Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисида асосий кўп томонлама келишув" (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 февралдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган) ва унга доир техник иловалар ТРАСЕКА лойиҳасининг институционал-ҳуқуқий базасини ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Келишув қоидаларига мувофиқ ТРАСЕКА ҳукуматлараро комиссиясининг қароргоҳи Боку шаҳрида жойлашган Доимий котибияти ҳам ташкил этилди. Унинг ҳузурида таркибида ТРАСЕКА миллий комиссияларининг 12 миллий котиби бўлган, савдо, автомобиль, темир йўл ва денгиз транспорти бўйича 4 ишчи гуруҳ тузилди.

Диққат!

Сиз вақтингизни тежашни хоҳлайсизми? Ортиқча харажатларга ҳам чек қўймоқчимисиз?

У ҳолда ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ таклиф этаётган

«Интерактив хизмат кўрсатиш»

тизимидан фойдаланинг!



Бунда Сиз:
– солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш;
– шахсий ҳисобварақдан кўчирма ва солиштирма далолатнома олиш;
– тегишли давр учун текширишлар режа-жадвалидан кўчирма
ва текширувчи органлар ҳақида маълумот олиш имкониятларига эга бўласиз.

Тизимдан фойдаланишни истовчилар учун ўқув курслари ташкил этилган.

Тизимдан фойдаланиш учун Интернет тармоғида www.soliq.uz ёки www.hisobot.uz сайтларининг интерактив хизматлар саҳифасига кирилади.
Ушбу саҳифага кириш учун ва ундан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо калити ўзингиз рўйхатдан ўтган Давлат солиқ инспекциясидан олинади.

Маълумотлар учун телефонлар: **244-97-64, 244-97-66, 241-18-53.**

Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Янги технологиялар илмий-ахборот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН КОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР Халқ таълими вазирлиги, МВ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлигининг "Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори;

– Постановление Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан "О внесении дополнения в список N 2 производств, учреждений, работ, профессий, должностей и показателей, дающих право на пенсию с уменьшением общеустановленного возраста на 10 лет, утвержденный постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 мая 1994 года N 250".

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2064.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 1-2-сон, 13-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ–362-сонли «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 7-бандининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 22-сон, 190-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги **қарор қиладилар:**

1. Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2006 йил 30 июндаги 17, 63, 2 ва 1-сон «Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1603, 2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 30-сон, 301-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2010 йил 24 январдан кучга киради.**

Халқ таълими вазири
Ғ.ШОУМАРОВ.
53-сон

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
115-сон

Маданият ва спорт ишлари вазири
А.ЖАББОРОВ.
ҚҚ-19-сон

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бош директори
Б.АЛИМОВ.
05-04-02-сон

Тошкент ш.,
2009 йил 16 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2009 йил 16 декабрдаги 53, 115, ҚҚ-19 ва 05-04-02-сон қарорига
ИЛОВА

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ (КЎЧИРМА)*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ–362-сон «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 22-сон, 190-модда) 7-бандига мувофиқ умумтаълим мактаблари ва бошқа умумтаълим муассасаларини (кейинги ўринларда умумтаълим мактаб-

***Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган "Қонунчиликдаги янгиликлар" рукнида танишиш мумкин.**

лари деб юритилади) дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом бюджет ва ҳомийлик маблағлари, халқаро молия институтлари кредитлари ва грантлари, дарсликлар учун белгиланган ижара тўловлари ҳисобидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилиш ҳамда умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш мақсадида қўлланилади.

2. Ушбу Низомнинг мақсади учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

умумтаълим мактаблари — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда Халқ таълими вазирлиги деб юритилади) ҳамда бошқа вазирликлар ва идораларнинг таркибига кирадиган давлат умумий ўрта таълим мактаблари, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар;

дарсликлар — умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан ишлатиш учун мўлжалланган ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган китоблар;

ўқув-методик қўлланмалар (кейинги ўринларда ЎМҚлар деб юритилади) — Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун ўқув қўлланмалари ва иш дафтарлари, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар;

дарсликлар тўплами — ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси Васийлик кенгаши томонидан тегишли синф ва таълим тили бўйича тасдиқланадиган ижара тизимига кирадиган дарсликлар рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) — бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиявий маблағларни бирлаштириш йўли билан умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ЎМҚларни харид этиш ва етказиб бериш харажатларини барқарор ҳамда узлуксиз маблағ билан таъминлашни амалга оширадиган мақсадли жамғарма;

Жамғарма Васийлик кенгаши — Жамғарманинг раҳбарлик органи бўлиб, дарсликларни харид этиш учун квоталарни, Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари параметрларини тасдиқлаш, дарсликлар учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини, дарсликлар учун йиллик ижара тўлови ҳажмини белгилаш, Жамғарма ижрочи дирекцияси фаолиятини назорат қилиш ва қонунчилик билан белгиланган бошқа вазифаларни амалга оширади;

дарсликлар билан таъминлаш — дарсликлар ва ЎМҚларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилиш, етказиб бериш ва утилизация қилишни, шунингдек дарсликлар ва ЎМҚлар бўйича молиявий ва бошқа ҳисоботларни ташкиллаштириш бўйича чора-тадбирлар;

дарсликлар ижараси — умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун бир ўқув йилига бўлган муддатда мактаб кутубхона жамғармасидан зарур дарсликлар тўплами билан вақтинчалик пуллик фойдаланишни ташкиллаштириш;

ижара тўлови — Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан ҳар йили белгиланадиган ва тегишли дарсликлар тўпламларини келгусида янгилаш учун истиқбол харажатларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган тегишли ўқув йилида тегишли синф ва таълим тили бўйича дарсликлар тўпламларининг ижараси учун тўлов.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ–362-сон «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ умумтаълим мактаблари биринчи синфларининг ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2 — 4-синфлар учун — икки йилда бир марта ва 5 — 9-синфлар учун — тўрт йилда бир марта янгиланади.

Бунда, дарсликлар ва ЎМҚлар мазмуни камида ҳар тўрт йилдан кейин янгиланади.

II. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ КУТУБХОНА ЖАМҒАРМАЛАРИ ҲАМДА ЯРМАРКА САВДОСИ ВА ЧАКАНА САВДО ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ЭРКИН СОТИШ УЧУН ДАРСЛИКЛАР ВА ЎМҚЛАРНИ НАШР ЭТИШГА БУЮРТМАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БАЖАРИШ

4. Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 июнга қадар Жамғарма ижрочи дирекциясига келгуси календарь йилига дарсликлар ва ЎМҚларга бўлган истиқбол эҳтиёжни мактаб кутубхона жамғармаларидан бепул ва ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш кесимида тақдим этади.

Якуний эҳтиёж Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили 1 декабргача аниқланади ва Жамғарма ижрочи дирекциясига истиқбол квоталар шакллантирилгандан сўнг тақдим этилади.

5. Истиқбол квоталарни шакллантириш учун Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 августга қадар келгуси ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ЎМҚлар рўйхатини мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ* тасдиқлайди ва ҳар бир умумтаълим мактабига етказади, шунингдек мазкур рўйхатни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

6. Келгуси ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ЎМҚлар рўйхати ҳамда Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланадиган ижара тизимига кирадиган дарсликлар рўйхати мактаб кутубхона жамғармалари учун бюджет маблағлари ҳисобидан дарсликлар ва ЎМҚларни харид этишга ҳар йилги буюртмаларни шакллантиришга ҳамда ижара тўловлари ҳисобидан дарсликлар ва ЎМҚлар билан таъминлашнинг истиқбол кўрсаткичларни аниқлашга асос бўлади.

7. Халқ таълими вазирлиги дарсликларни харид қилишга буюртмаларни шакллантириш учун талабнома шаклини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уни ҳар бир умумтаълим мактабига етказади.

8. Умумтаълим мактаблари, келгуси ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ЎМҚлар рўйхати ҳамда ижара тизимига кирадиган дарсликлар рўйхати асосида ҳар йили 15 сентябрдан кечиктирмасдан келгуси ўқув йилида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш усулини танлаш тўғрисида ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчи шахслар орасида сўровлар ўтказади.

9. Дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишга буюртмаларни шакллантирилиши:

биринчи синф ўқувчиларини қабул қилишнинг истиқбол кўрсаткичлари;

мактаб кутубхона жамғармасининг хатлов натижалари;

ўқувчиларни дарсликлар ва ЎМҚлар билан таъминлаш усулини танлаш тўғрисида ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчи шахслар орасида ўтказилган сўровлар (мазкур Низомнинг 2-иловаси) натижалари таҳлиллари асосида амалга оширилади.

Ўқувчиларни дарсликлар ва ЎМҚлар билан таъминлаш усулини танлаш тўғрисида ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчи шахслар орасидаги сўров, умумтаълим мактаби томонидан ота-оналар қўмитаси билан биргаликда ўтказилади.

Бунда, мазкур сўров мактаб кутубхона жамғармасидан дарсликлар тўплами билан бепул равишда таъминланадиган ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларни ўрнини бо-

1, 3-4, 6-16-иловалар "Норма маслаҳатчи"да берилмайди.

сувчи шахслар орасида ўтказилмайди.

10. Умумтаълим мактаби биринчи синф ўқувчиларини қабул қилишнинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлашда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мазкур умумтаълим мактабига бириктирилган микроучасткада ҳар йили ўтказиладиган кузатувлар натижаларига амал қилади.

11. Ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчиларни таъминлаш учун мактаб кутубхона жамғармасидаги дарсликлар ва ЎМҚларга буюртманинг бир қисми ўзини ўзи бошқариш органларининг илтимосномасига ва тақдим этилган ота-оналар қўмитасининг хулосасига асосан шакллантирилади.

12. Мактаб кутубхона жамғармаси учун дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилиш учун буюртма лойиҳаси, келгусида фойдаланишга яроқли бўлган ва Халқ таълими вазирлиги томонидан фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар рўйхатига мувофиқ бўлган, мактаб кутубхона жамғармасини хатловдан ўтказиш натижасида аниқланган дарсликлар ва ЎМҚлар сонига камайтирилади.

Бунда, дарсликлар ва ЎМҚларнинг келгусида фойдаланишга яроқлилигини баҳолаш мезонлари Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

13. Мактаб кутубхона жамғармаси учун дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишга буюртма лойиҳаси ҳамда дарсликлар ва ЎМҚларни эркин сотишга истиқбол кўрсаткичлар умумтаълим мактабининг педагогик кенгаши томонидан муҳокама қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

14. Умумтаълим мактаби бўйича дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квотаси 1 октябрдан кечиктирмасдан қоғозда (имзоланган ва тасдиқланган ҳолда) ҳамда электрон шаклда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тақдим этилади.

15. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими келгуси ўқув йили учун дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини фанлар, таълим тиллари, дарсликлар номлари ва синфлар кесимида ҳар бир умумтаълим мактаби бўйича экспертизадан ўтказади, уларни умумлаштиради ва ҳар йилнинг 10 октябрига қадар туман (шаҳар) бўйича дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига (кейинги ўринларда ҳудудий халқ таълими органлари деб юритилади) тақдим этади.

16. Умумтаълим мактаблари (туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари) томонидан тақдим этилган дарсликлар ва ЎМҚларнинг эркин сотишга истиқбол кўрсаткичлари нашриётлар ва китоб савдо ташкилотларнинг имкониятларини аниқлаштириш ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзкитобсавдотаъминоти» МЧЖ, «Шарқ зиёкори» ОАЖ, Халқ таълими вазирлиги томонидан «Ўзкитобсавдо» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили (октябрь-ноябрь ойларида) барча вилоятлар марказларида ҳамда Нукус ва Тошкент шаҳарларида ташкил этиладиган дарсликлар ва ЎМҚларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларига ҳудудий халқ таълими органлари томонидан олиб чиқарилади.

17. Ҳудудий халқ таълими органлари ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими бўлими бўйича дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини таҳлил қилади ва экспертизадан ўтказади, Жамғарма ижрочи дирекциясининг ҳудудий вакиллари билан биргаликда дарсликлар ва ЎМҚларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларида олинган натижаларини инобатга олган ҳолда ўз ҳудудлари бўйича умумлаштиради, 20 ноябрдан кечиктирмасдан келгуси ўқув йили учун дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини фанлар, таълим тиллари, дарсликлар номлари ва синфлар кесимида тасдиқлайди ва Халқ таълими вазирлигига тақдим этади.

18. Ҳудудий халқ таълими органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Халқ таълими вазирлиги келгуси ўқув йили учун фанлар, таълим тиллари, дарсликлар номлари ва синфлар кесимида, республика бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилинишининг истиқбол квоталарини мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган шакллар асосида шакллантиради ҳамда 1 декабрдан кечиктирмаган ҳолда Жамғарма Васийлик кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Республика бўйича дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг ҳар йилги истиқбол квоталарини шакллантиришда, умумтаълим мактаблари учун тегишли ҳудудлар, синфлар ва таълим тиллари бўйича буюртманинг умумий ҳажмидан 10% гача мактаб кутубхона жамғармасининг захираси бўлиши мумкин.

Мактаб кутубхона жамғармасининг захираси буюртма шакллантириладиган дарсликларни ишлатилишининг ўрнатилган бутун даврида синфлар ва таълим тиллари кесимида ўқувчилар контингентининг ўзгариши бўйича ўтказиладиган таҳлил асосида Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

19. Жамғарма Васийлик кенгаши қарори билан истиқбол квоталар тасдиқлангандан сўнг Халқ таълими вазирлиги:

30 кун ичида кўзда тутилаётган захирани ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган истиқбол квоталарни ҳар бир умумтаълим мактабига етказилишини ташкил этади;

Жамғарма Васийлик кенгашининг қарори билан республика бўйича дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилиш учун истиқбол квоталар тасдиқлангандан сўнг 120 кун мобайнида, бироқ 1 мартдан кечиктирмаган ҳолда, қонунчилик талаблари асосида умумтаълим мактабларининг кутубхона жамғармалари учун дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилиш ва етказиб бериш бўйича тендер ва (ёки) танлов савдоларининг ўтказилишини ташкил этади.

Дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилиш учун тасдиқланган истиқбол квоталарга фанлар, дарсликлар номлари, таълим тиллари ва синфлар кесимида қўшимчалар ва ўзгартиришлар Жамғарма Васийлик кенгашининг қарорларига асосан киритилади.

20. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ярмаркаларда тузилган шартномалар бўйича дарсликларни чакана савдо тармоғи орқали эркин сотишни ҳисобга олган ҳолда, Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили шакллантириладиган истиқбол квоталари асосида, ҳар йили 1 июлга қадар зарур ҳажмлар ва номлардаги дарсликлар ҳамда ЎМҚлар чиқарилишини ташкил этишни таъминлайди.

21. Халқ таълими вазирлиги кўзда тутиладиган захирани ҳисобга олган ҳолда мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ ҳар бир ҳудудий халқ таълими органи бўйича дарсликлар ва ЎМҚларнинг тақсимотини тузади ва ҳар йили 1 августгача харид этилган дарсликлар ва ЎМҚларни ҳар бир умумтаълим мактабига етказилишини таъминлайди.

22. Халқ таълими вазирлигининг тақсимоти асосида ҳудудий халқ таълими органлари туман (шаҳар)лар халқ таълими бўлимлари бўйича, туман (шаҳар)лар халқ таълими бўлимлари эса тегишли равишда ҳар бир умумтаълим мактаби бўйича тақсимотни тузади.

23. Дарсликлар ва ЎМҚларни эркин сотишнинг истиқбол кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда Халқ таълими вазирлиги нашриётлар, босмахоналар ва китоб-савдо ташкилотларининг талабномасига асосан чакана савдо тармоғи орқали сотиладиган дарсликларни ишлаб чиқариш учун квоталар ҳажмининг тақсимотини амалга оширади, ҳамда Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан истиқбол квоталари тасдиқлангандан сўнг 15 кун ичида чакана савдо тармоғи орқали сотиладиган дарсликларни ишлаб чиқариш учун тақсимланган квоталар ҳажмлари

тўғрисидаги маълумотларни ҳудудлар ва умумтаълим мактаблари кесимида тегишли нашриётлар, босмахоналар ва китоб-савдо ташкилотларига етказади.

24. Дарсликлар ва ЎМҚларни эркин сотишнинг тасдиқланган истиқбол кўрсаткичлари асосида нашриётлар, босмахоналар ва китоб-савдо ташкилотлари мустақил равишда чакана савдо тармоғи орқали сотиладиган дарсликлар ва ЎМҚларнинг нашр этилишини, қоидага кўра, ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этади.

25. Чакана савдо тармоғи орқали сотиш учун нашр этилган дарсликлар ва ЎМҚлар «Ўзкитобсавдо» ДАК ва унинг ҳудудий бўлинмалари, «Ўзкитобсавдотаъминоти» МЧЖ, «Шарқ зиёкори» ОАЖ, шунингдек бошқа китоб-савдо ташкилотлари томонидан шаҳарларда, туман марказларида ва узоқ жойлашган аҳоли пунктларида аҳолига дарсликлар ва ЎМҚларни сотиш учун махсуслаштирилган савдо тармоқларида, шу жумладан мактаб бозорлари ва ярмаркаларини ташкил этиш йўли билан сотилади.

26. Дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилиш ва етказиб бериш харажатлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган Жамғарманинг бошқа харажатлари тўловлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

III. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ДАРСЛИКЛАР ВА ЎМҚЛАР БИЛАН АНИҚ МАНЗИЛЛИ ТАЪМИНЛАШ

27. Дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилиш ва етказиб бериш харажатларини қоплаш учун давлат бюджетининг маблағлари қуйидаги йўналишлар бўйича ажратилади:

давлат ва нодавлат умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари учун;

«Меҳрибонлик» уйлари, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларининг тарбияланувчилари бўлган ўқувчилар учун;

ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун;

ижара тизимини дарсликлар ва ЎМҚлар билан бирламчи таъминлаш учун.

28. Мазкур Низомнинг 27-бандида кўрсатиб ўтилган ўқувчиларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аниқ манзилли таъминлаш учун мўлжалланган ва умумтаълим мактаби томонидан унинг буюртмаси асосида қабул қилинган барча дарсликлар ва ЎМҚлар, ўрнатилган тартибда мактаб кутубхона жамғармасига кирим қилиниши лозим.

29. Биринчи синф ўқувчилари бепул фойдаланиш учун мактаб кутубхона жамғармаси ҳисобидан дарсликлар ва ЎМҚларнинг тўлиқ тўплами билан таъминланади.

Олинган дарсликлар ва ЎМҚлар, ўқув йили якунида, кейинчалик ҳисобдан чиқариш ва утилизация қилиш учун тўлиқ ҳажмда (иш дафтарлари бундан мустасно) кутубхонага қайтарилади.

30. «Меҳрибонлик» уйлари, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларининг тарбияланувчилари бўлган ўқувчилар мактаб кутубхона жамғармасидан тегишли синф ва таълим тили бўйича дарсликларнинг тўлиқ тўплами билан бепул таъминланади.

31. Умумтаълим мактабларининг жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланиш нуқсонлари мавжуд бўлган ўқувчиларини дарсликлар ва ЎМҚлар билан таъминланиши, кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган мавжуд дарсликлар ва ЎМҚларни ҳисобга олган ҳолда, мактаб кутубхона жамғармасини янгилаш ва тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

32. Ўқув жараёнида ўқувчиларга бепул фойдаланиш учун берилган дарсликлар ўқув йили якунида тўлиқ ҳажмда мактаб кутубхонасига қайтарилади.

33. Келгуси ўқув йили учун ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчилар рўйхати ҳар йили 1 сентябрга қадар аниқлаштирилади ва ўзини ўзи бошқариш органларининг илтимосномаси ва тақдим этилган отаоналар қўмитасининг хулосаси асосида умумтаълим мактабининг педагогик кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчилар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харид этилган дарсликларнинг тўлиқ тўпламини бериш йўли билан мактаб кутубхона жамғармасидан дарсликлар билан таъминланади.

34. Ўқувчи бошқа умумтаълим мактабига ўтганида, ўқувчини мазкур умумтаълим мактабидан ўтказилиши тўғрисидаги буйруқ чиқарилгандан сўнг, уч кунлик муддатда, унга вақтинчалик фойдаланишга берилган дарсликлар тўлиқ ҳажмда мактаб кутубхона жамғармасига қайтарилиши лозим.

Бунда умумтаълим мактаби маъмурияти томонидан мазкур ўқув йилига ўқувчи давлат бюджети маблағлари ҳисобидан дарсликларнинг тўлиқ тўплами билан таъминланиши лозимлиги тўғрисида унга маълумотнома берилади.

Ўқувчи бошқа умумтаълим мактабига келганида, умумтаълим мактаби маъмуриятига кўрсатиб ўтилган маълумотномани тақдим этади ва мактаб кутубхона жамғармасидан дарсликлар билан бепул таъминланади.

35. Бошқа умумтаълим мактабида дарсликлар тўпламларининг етишмовчилиги мавжуд бўлганда, янгидан келган ўқувчи зарур дарсликлар тўплами билан мазкур Низомнинг V бобида белгиланган тартибда таъминланади.

36. Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, тегишли таълим тилидаги синфларда тегишли фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган дарсликлар ва ЎМҚлар билан мактаб кутубхона жамғармасининг захираси ҳисобидан бепул равишда таъминланади.

37. Ўқитувчиларга бепул фойдаланиш учун берилган дарсликлар ва ЎМҚлар ўқув йили якунида тўлиқ ҳажмда мактаб кутубхонасига қайтарилади.

38. Дарсликлар ўқувчиларга ва (ёки) ўқитувчиларга фойдаланишга берилганда кутубхоначи томонидан дарсликларда белгиланган тартибда тегишли қайдлар қўйилади.

39. Ўқувчилар ва ўқитувчиларга бепул равишда берилган ва мактаб кутубхонасига қайтарилган дарсликлар ва ЎМҚларнинг ҳисоб-китобининг юритилиши ва рўйхатга олиниши мазкур Низом асосида амалга оширилади.

IV. ДАРСЛИКЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

40. Ижара тизимига кирадиган дарсликлар рўйхати ҳар йили Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади ва 1 августга қадар келгуси ўқув йилига дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишга истиқбол квоталарни шакллантириш учун умумтаълим мактабларига етказилади.

41. Ўқувчиларга Халқ таълими вазирлиги томонидан ижара тизимида фойдаланиш учун тавсия этилган дарсликлар ижарага берилади.

42. Дарсликлар тўплами учун синфлар ва таълим тиллари кесимида ижара тўлови республика бўйича ягона бўлади, унинг миқдори ва тўлаш шакли Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан ўрнатилади ва 25 августдан кечиктирмаган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

43. Дарсликларнинг тўплами учун ижара тўлови миқдори тегишли миқдордаги дарсликлар ва ЎМҚларни келгусида харид қилиш ва етказиб бериш учун зарур бўладиган маблағларнинг истиқбол ҳажми ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда олинадиган ва амалга оширилади-ган Жамғарманинг истиқбол даромадлари ва харажатларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Бунда, дарсликлар тўпламлари учун ижара тўлови миқдорларини аниқлашда истиқбол кўрсаткичлар қўлланганлиги сабабли, тегишли ўқув йилида ижара тўлови миқдорларининг ҳисоблашда камчиликлар мавжуд бўлиши ва бунинг натижасида ижара тушумлари ортиқча ёки кам

тушиши мумкин.

Белгиланган ижара тўловлари ҳисобидан йиғилган маблағларнинг ортиқча ёки кам тушганлиги аниқланганда, мазкур ортиқча ёки кам олинган сумма келгуси ўқув йилида тегишли синф ва таълим тили бўйича ижара тўловлари миқдорларини ҳисоблашда камайтириш ёки ошириш йўли билан ҳисобга олинади.

44. Дарсликлар тўплами учун ижара тўловининг тўловчилари сифатида ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ёхуд ҳомийлар бўлади.

45. Ижарага дарсликларнинг берилиши умумтаълим мактаби маъмурияти ва ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ёхуд ҳомийлар орқали мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади.

Бунда дарсликларни ўқувчиларга ва (ёки) ўқитувчиларга фойдаланишга берилганлиги тўғрисида кутубхоначи томонидан албатта дарсликларда тегишли қайдлар қўйилади.

46. Ижара тўловининг белгиланган миқдори ҳар йилнинг 30 сентябрига қадар тўлиқ ҳажмда тўланади. Зарурат бўлганда, ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар вақтинчалик пул маблағларининг йўқлиги сабабли ижара тўлови муддатини узайтириш тўғрисида умумтаълим мактаби маъмуриятига мурожаат қилиши мумкин.

Умумтаълим мактаби васийлик кенгаши қарори ва маъмурияти буйруғи асосида тўлов муддати узайтирилиши мумкин, бунда мазкур тўловнинг 50 фоизи жорий йилнинг 30 сентябргача, қолган қисми — 30 ноябргача тўланилиши лозим.

47. Дарсликлар тўплами учун ижара тўловлари қуйидагича амалга оширилади:

а) ёхуд, умумтаълим мактабининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш учун умумтаълим мактаби ёки банкнинг кассасига нақд пул маблағлари билан тўлаш йўли билан.

Умумтаълим мактаби кассасига ижара тўловининг тўланганлиги умумтаълим мактабининг муҳри ёки касса аппаратининг изи билан ҳамда умумтаълим мактабининг бухгалтери ва кассир вазифасини бажарувчи масъул шахснинг имзоси билан тасдиқланган кирим-касса ордери ва квитанция билан расмийлаштирилади. Бунда, кирим-касса ордери умумтаълим мактабининг бухгалтериясида қолдирилади, квитанция эса ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахсларга ёхуд ҳомийларга тақдим этилади.

Ижара тўловидан йиғилган нақд пул маблағлари уч банк иш куни мобайнида умумтаълим мактабининг кассири томонидан ўрнатилган тартибда уларни кейинчалик умумтаълим мактабининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш учун тегишли банкка топширилади.

Ижара тўлови нақд пул кўринишида банкка топширилганда, банк томонидан берилган ва тўловни тасдиқлайдиган квитанциянинг нусхаси тегишли умумтаълим мактабининг бухгалтериясига тақдим этилади.

б) ёхуд, ўқувчилар ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳисобига ташкилотлар, шунингдек ҳомийларнинг ҳисоб рақамларидан, уларнинг пластик карточкалари ва (ёки) жамғарма (омонат) рақамларидан пул кўчириш йўли билан.

Бунда, ижара тўловининг тўланганлиги банкнинг тегишли белгиси билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг нусхасини ёки терминал чекининг нусхасини умумтаълим мактабининг бухгалтериясига тақдим этиш йўли билан тасдиқланади.

48. Ижара тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатларда ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, синфи ва таълим тили, тегишли ўқув йили ҳамда умумтаълим мактабининг рақами ва унинг ҳудудий мансублиги албатта кўрсатилади.

49. Дарсликлар учун ижара тўловлари сифатида келиб тушган нақд ва нақдсиз пул маблағларини ва бошқа тушумларни умумтаълим мактабининг эҳтиёжларига, шунингдек бошқа мақсадларга сарфлаш тақиқланади.

50. Ижара тизимига кирадиган дарсликлар ўқувчиларга тегишли синф ва таълим тили бўйича тўлиқ тўпламда қуйидаги тартибда берилиши лозим:

а) ижара асосида дарсликлардан фойдаланадиган ўқувчиларга, тегишли шартнома тузилиб, мазкур Низомнинг 46-бандига мувофиқ ижара тўлови тўлангандан сўнг.

Бунда ижара тўловларини тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатларининг нусхалари умумтаълим мактабининг кутубхоначисига тақдим этилади ва мактаб кутубхона жамғармасидан ўқувчиларга дарсликларнинг тегишли тўпламини беришга асос бўлади.

б) дарсликлардан бепул равишда фойдаланадиган ўқувчиларга тегишли шартнома тузилгандан сўнг.

Дарсликларни тўлиқсиз тўпламда ижарага беришга йўл қўйилмайди.

51. Дарсликлар тўплами учун ижара тўлови тўлангандан кейин ўқувчи бошқа умумтаълим мактабига ўтганида, унга вақтинчалик фойдаланишга берилган дарсликлар тўплами мактаб кутубхона жамғармасига қайтарилиши лозим.

Бунда, тўланган ижара тўлови қайтарилмайди ва бошқа умумтаълим мактабида ўқувчини худди шундай дарсликлар тўплами билан ижара асосида таъминланиши ижара тўлови олинмасдан амалга оширилади. Ижара тўловининг тўланганлиги тўлов ҳужжати нусхаси ва олдинги умумтаълим мактабининг маълумотномаси билан тасдиқланиши лозим.

52. Дарсликлар ёки ЎМҚлардан фойдаланиш усулидан қатъи назар, уларни йўқотиш ёки кейинчалик фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтириш ҳолатларида ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ёхуд ҳомийлар ёки ўқитувчилар зарарни худди шундай дарслик ва (ёки) ЎМҚлар билан қоплайди, ёхуд бирламчи ҳужжатларда (ҳисоб-фактурада, юк хатида) кўрсатилган унинг қийматини қуйидаги миқдорларда тўлайди:

а) умумтаълим мактаби биринчи синф ўқувчиларининг ҳар бир дарслик ва (ёки) ЎМҚлар учун — бир баравари миқдорида;

б) 2 — 4 синф ўқувчиларининг ҳар бир дарслик ва (ёки) ЎМҚлар учун — икки баравари миқдорида;

в) 5 — 9 синф ўқувчиларининг ҳар бир дарслик ва (ёки) ЎМҚлар учун — тўрт баравари миқдорида.

53. Дарсликларни ижара тизими билан боғлиқ маълумотлар билан ўқувчилар ота-оналарини ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ёхуд ҳомийларни таъминлаш мақсадида, умумтаълим мактаби маъмурияти, мазкур умумтаълим мактабининг кўринарли ва қулай жойларида жорий ўқув йили учун ижара тўлови миқдорлари, дарсликлар тўпламларини фойдаланишга бериш ва ижара тўловини тўлаш тартиби, умумтаълим мактаби ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўрсатган ҳолда, дарсликлар тўпламларидан фойдаланиш шартлари ва муддатлари тўғрисида маълумотларни жойлаштиради.

54. Тегишли ўқув йили учун ортиқча тўланган ижара тўловлари ёки нотўғри ўтказилган маблағлар мавжуд бўлганда, умумтаълим мактаби ёзма равишда Жамғарма ижрочи дирекциясига мурожаат қилади.

Умумтаълим мактабининг мурожаатига асосан Жамғарма ижрочи дирекциясининг ҳудудий вакили жойга чиқиб, мазкур мурожаатнинг асослилигини ўрганади ва маълумотномани тузиб, уни Жамғарма ижрочи дирекциясига тақдим этади.

Ортиқча тўланган ижара тўловлари ҳамда нотўғри ўтказилган маблағлар мавжудлиги тасдиқланганида, маблағларнинг қайтарилиши Жамғарма ижрочи дирекцияси томонидан тижорат банкида очилган Жамғарманинг жамғарма рақамидан умумтаълим мактабининг махсус ҳисоб рақамига тегишли маблағларни ўтказиш йўли билан

амалга оширилади.

Ўқувчилар ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ёхуд ҳомийлар томонидан ортиқча тўланган ижара тўловларни ҳамда нотўғри ўтказилган маблағларни умумтаълим мактабининг махсус ҳисоб рақамидан кейинчалик қайтарилиши, бевосита умумтаълим мактаби томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ ВА ҲИСОБОТ

100. Дарсликлар ва ЎМҚлар бўйича ижара тўловлари, утилизация, дарсликлар ва ЎМҚлар йўқотганлиги ва фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келганлиги натижасида зарарни қоплашдан тушадиган тушумларнинг бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ҳисоботлари умумтаълим мактабининг бухгалтерияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

101. Дарсликлар тўпламларини фойдаланишга берилиши ва ижара тўловлари тушумлари устидан мониторинг юритиш мақсадида умумтаълим мактаблари мазкур Низомнинг 16-иловасига* мувофиқ умумтаълим мактабларининг фойдаланишга берилган дарсликлар тўпламлари тўғрисида ҳисоботларни тузади ва ҳар йили июнь ва декабрнинг 5-санасига қадар таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига тақдим этади.

102. Туман (шаҳар)лар халқ таълими бўлимлари бўйича умумлаштирилган ҳисоботлар, шунингдек ҳар бир умумтаълим мактаби бўйича ҳисоботлар июнь ва декабрнинг 10 санасидан кечиктирмасдан ҳудудий халқ таълими органлари ва Жамғарма ижрочи дирекцияси ҳудудий вакилларига тақдим этилади.

103. Жамғарма ижрочи дирекциясининг расмий талаблари асосида банклар ҳудудлар бўйича ҳар бир умумтаълим мактаби кесимида умумтаълим мактабларининг махсус рақамларидан банк кўчирмаларини тақдим этади.

104. Ижара тўловлари тушумлари бўйича ҳар бир ҳудуд ва умумтаълим мактаби кесимида банкдан олинган кўчирмалар асосида ҳудудий халқ таълими органлари ва Жамғарма ижрочи дирекциясининг ҳудудий вакиллари синфлар ва таълим тиллари кесимида ҳар бир умумтаълим мактаби бўйича ижара тўловлари тушумларини таҳлил қилади ва ҳар йили июнь ва декабрнинг 15-санасига қадар умумлаштирилган ҳисоботларни, умумтаълим мактаблари ва ҳудудлар кесимида, Халқ таълими вазирлиги ва Жамғарма ижрочи дирекциясига тақдим этади.

Зарурат бўлганда, Жамғарма ижрочи дирекциясининг ҳудудий вакиллари томонидан бирламчи ҳужжатларни кўриб чиқиш йўли билан умумтаълим мактабларида ижара тизими фаолиятининг ўрганишлари ўтказилади.

105. Ҳисоботлар қоғозда (имзоланган ва тасдиқланган ҳолда) ҳамда электрон шаклда тақдим этилади.

106. Ҳудудий молия органлари томонидан ижара тўловлари маблағларини, дарсликлар ва ЎМҚларни тегишли тартибда сақланиши ва фойдаланилиши, ҳамда умумтаълим мактаблари томонидан дарсликлар ва ижара тўловлари бўйича бирламчи ҳужжатларнинг юритилиши устидан мониторинг амалга ошириш мақсадида мазкур Низомнинг 16-иловасида* кўрсатиб ўтилган халқ таълими органлари томонидан умумлаштирилган ҳисобот, уни юқори турувчи халқ таълими органларига тақдим этишдан олдин, тегишли ҳудудий молия органларига келишиш учун тақдим этилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

108. Умумтаълим мактабида ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш тизимини ташкил этиш ва унинг самарадорли фаолиятини ташкиллаштириш, шунингдек ўқувчиларни, уларнинг қонуний вакилларини хабардор қилиш, дарсликларни фойдаланишга бериш тўғрисида шартнома тузиш, ижара тўловлари тушумлари бўйича ҳисоб-китоблар ва ҳисобларни юритиш, нақд пул маблағларини ўз муддатларида топшириш, дарсликлар ва ЎМҚларнинг сақланиши ва ҳаракати, ижара тизими учун ҳар йилги буюртмаларнинг шакллантирилиши учун умумтаълим мактабининг маъмурияти жавобгардир.

109. Олдиндан маълум бўлган нотўғри ёки қалбаки ҳужжатлар асосида дарсликлар тўпламини бепул равишда фойдаланишга бериш ҳолатлари аниқланганда, мазкур ҳужжатларни тақдим этган шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва тўланмаган ижара тўлови суммалари ўрнатилган тартибда ундирилади.

Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

ЎҚУВЧИЛАРНИ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎМҚ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УСУЛИНИ ТАНЛАШ ТЎҒРИСИДА ОТА-ОНАЛАР ЁКИ УЛАРНИ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ШАХСЛАР ОРАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СЎРОВ АНКЕТАСИ

_____ вилояти (ҚҚР. Тошкент ш.), _____ тумани (шаҳри), _____ умумтаълим мактаби, _____ синфи _____ таълим тили.

Дарсликлар қуйидаги тўпламда:_____

_____

_____

_____

шу жумладан ўрганиладиган чет тили _____

Т/р	Ўқувчининг Ф.И.О.	Ота-онаси ёки уларни ўрнини босувчи шахслар Ф.И.О.	Таъминлашнинг қандай усулини танлайсиз			Ота-онаси ёки уларни ўрнини босувчи шахсларнинг имзоси
			ижара	ўз маблағлари ҳисобидан		
				нусхаси ўзимда мавжуд	эркин савдодан сотиб оламан	

Изоҳ:
ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчилар мактаб кутубхона жамғармаси ҳисобидан бепул равишда дарсликлар билан таъминланади.

Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомга
5-ИЛОВА

Дарсликларни ижарага бериш тўғрисида
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

_____ ш. 20__ й. «___» _____.

_____
(умумтаълим мактаби рақами ва жойлашган ҳудуди номи)

бундан кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» деб номланувчи, низом асосида иш юритувчи _____ шахсида бир томонидан, ҳамда қуйида имзо чекувчи, таълим _____ти
(лавозими, Ф.И.О.)
лида олиб бориладиган ____-синф ўқувчининг ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳомийси, бундан кейинги ўринларда «Ижарага олувчи» бошқа томондан, мазкур шартномани қуйидаги ҳақида тузишди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижарага берувчи, 20__/20__ ўқув йили даврида вақтинчалик фойдаланиш учун, мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган дарсликлар тўпламини Ижарага олувчига беради, Ижарага олувчи эса мазкур Шартноманинг 2.1 ва 2.2-бандларида кўрсатилган миқдорда ва муддатларда ижара тўловини тўлаш ва 20___ йилнинг 20 июнига қадар дарсликлар тўпламларини кейинчалик фойдаланишга яроқли ҳолатда қайтариш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур Шартноманинг предмети бўлган дарсликлар тўплами кейинчалик фойдаланишга яроқли ҳолатда, қуйидаги номларда ва миқдорда Ижарага олувчига берилади:_____
_____
_____
_____

2. ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган дарсликлар тўпламидан фойдаланганлик учун Ижарага олувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармаси Васийлик кенгаши томонидан 20____/20_____ ўқув йилига чет тили дарслиги билан бирга жами _____ сўм ёки чет тили дарслигисиз жами _____ сўм миқдорида ўрнатилган ижара тўловини Ижарага берувчига тўлайди.

2.2. Ижара тўлови нақд пул маблағлари тўлиқ ҳажмда, жорий ўқув йилининг 30 сентябридан кечиктирмаган ҳолда, Ижарага берувчининг ёки тегишли банкнинг кассасига нақд пул маблағларини тўлаш йўли билан ёки Ижарага берувчининг махсус ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли билан тўланади.

Ижарага олувчида пул маблағлари бўлмаган тақдирда, Ижарага берувчининг васийлик кенгаши ва маъмуриятининг қарорига асосан, ижара тўлови муддати узайтирилиши мумкин. Бунда, мазкур тўловнинг 50 фоизи жорий йилнинг 30 сентябригача, қолган қисми эса 30 ноябригача тўланилиши лозим.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Мазкур Низомнинг 2.1 ва 2.2-бандларида назарда тутилган тартибда ва миқдорда белгиланган муддатда Ижарага олувчидан ижара тўловининг тўланилишини талаб қилиши;

3.1.2. Ижарага олувчининг айби билан дарслик йўқотилганда ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтирилганда, зарарни худди шундай дарслик билан қоплашни ёки унинг қийматини мазкур Шартноманинг 4.2.4-бандида кўрсатилган тартибда тўлашни талаб этиши;

3.1.3. Ижара тўлови муддатини узайтириш.

3.2. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Ижара тўловини тўлаганидан сўнг, Ижарага берувчининг мактаб кутубхона жамғармасидан кейинчалик фойдаланишга яроқли ҳолатда бўлган тегишли синф ва таълим тили бўйича тўлиқ дарсликлар тўпламини Ижарага берувчидан талаб қилиш;

3.2.2. Ижара тўлови муддатининг узайтириш тўғрисида Ижарага берувчига мурожаат қилиш;

3.2.3. Мазкур Шартноманинг 2.1-бандида кўрсатиб ўтилган ижара тўлови миқдорини:

ёки, Ижарага берувчининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш учун Ижарага берувчи ёки банкнинг кассасига нақд пул маблағлари билан тўлаш йўли билан;

ёки, Ижарага олувчининг иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳисобига ташкилотлар, шунингдек ҳомийларнинг ҳисоб рақамларидан, уларнинг пластик карточкалари ва (ёки) жамғарма (омонат) рақамларидан пул кўчириш йўли билан.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

4.1.1. 20__/20__ ўқув йилида, мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган дарсликларни бир тўпламдан вақтинчалик фойдаланиш учун Ижарага олувчига мазкур Шартнома билан белгиланган муддатда ижара тўлови тўлангандан сўнг бериш;

4.1.2. Ижарага олувчини ижара тўлови миқдорлари, дарсликлар тўпламларини ижарага бериш ва ижара тўловини тўлаш тартиби, шунингдек дарсликлар тўпламларидан фойдаланиш шартлари ва муддатлари тўғрисида маълумотлар билан таъминлаш.

4.2. Ижарага олувчи қуйидагиларга мажбур:

4.2.1. Мазкур Шартноманинг 2.1 ва 2.2-бандларида кўрсатиб ўтилган миқдорда ва муддатларда ижара тўловини тўлаш;

4.2.2. Олинган дарсликлар тўпламини сақланилишини таъминлаш;

4.2.3. Дарсликлар тўпламини ўқув йили якунида кейинчалик фойдаланишга яроқли ҳолатда Ижарага берувчига қайтариш;

4.2.4. Дарсликни йўқотиш ёки кейинчалик фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтириш ҳолатларида, зарарни худди шундай дарслик билан қоплаш, ёхуд бирламчи ҳужжатларда (ҳисоб-фактурада, юк хатида) кўрсатилган унинг қийматини қуйидаги миқдорларда тўлаш:

а) биринчи синф ўқувчиларининг ҳар бир дарслик учун — бир баравари миқдорида;

б) 2 — 4 синф ўқувчиларининг ҳар бир дарслик учун — икки баравари миқдорида;

в) 5 — 9 синф ўқувчиларининг ҳар бир дарслик учун — тўрт баравари миқдорида.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур Шартнома бўйича олинган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Томонлар шартнома шартлари ва қонунчиликка асосан моддий жавобгарликка тортилади.

5.2. Томонлар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибатида ушбу Шартнома бўйича мажбу-

риятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

6. НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур Шартномани бажариш жараёнида вужудга келган низолар имконият даражасида томонлар орасида музокаралар олиб бориш йўли билан ечилади.

6.2. Келишувга эришилмаган тақдирда, низолар қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

7. БОШҚА ҚОИДАЛАР

7. Мазкур Шартнома билан тартибга солинмаган ўзаро муносабатлар қонунчиликка асосан ҳал қилинади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ

Ижарага берувчининг рақами: _____
Манзили: _____
телефон /факс: _____
Махсус ҳисоб рақами _____
МФО: _____
СТИР: _____
ХХТУТ: _____

Ижарага олувчининг Ф.И.О. _____
Яшаш жойи _____
_____
Паспорт маълумотлари _____
_____
Ўқувчининг Ф.И.О. _____

Томонларнинг имзолари

Ижарага берувчи _____
(умумтаълим мактаби директори Ф.И.О., имзоси)

М.Ў.

20___ й. ___._____

Ижарага олувчи _____
(Ф.И.О., имзоси)

20___ й. ___._____

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
МИНИСТЕРСТВА ТРУДА И СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О ВНЕСЕНИИ ДОПОЛНЕНИЯ В СПИСОК N 2 ПРОИЗВОДСТВ, УЧРЕЖДЕНИЙ, РАБОТ, ПРОФЕССИЙ, ДОЛЖНОСТЕЙ И ПОКАЗАТЕЛЕЙ, ДАЮЩИХ ПРАВО НА ПЕНСИЮ С УМЕНЬШЕНИЕМ ОБЩЕУСТАНОВЛЕННОГО ВОЗРАСТА НА 10 ЛЕТ, УТВЕРЖДЕННЫЙ ПОСТАНОВЛЕНИЕМ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОТ 12 МАЯ 1994 ГОДА N 250*

Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 14 января 2010 г.
Регистрационный N 2066
(«Собрание законодательства Республики Узбекистан», 2010 г., N 1–2, ст. 16)

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О спасательной службе и статусе спасателя» (Собрание законодательства Республики Узбекистан 2009 г., N 52, ст. 511) Министерство труда и социальной защиты населения **постановляет**:

1. Часть I Списка N 2 производств, учреждений, работ, профессий, должностей и показателей, дающих право на пенсию с уменьшением общеустановленного возраста на 10 лет, утвержденного постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 мая 1994 года N 250, дополнить главой XXV следующего содержания:

«XXV. СПАСАТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ

Спасатели спасательных служб, профессиональных спасательных формирований из числа работающих по трудовому договору (контракту), подготовленные по определенной программе к спасательным работам и аттестованные в установленном порядке».

2. Настоящее постановление вступает в силу по истечении десяти дней со дня его государственной регистрации в Министерстве юстиции Республики Узбекистан.

И.о. министра труда
и социальной защиты населения
А.ХАИТОВ.

г.Ташкент,
14 декабря 2009 года
N 77.

Вступает в силу с 24 января 2010 года.

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 5 (238) 2010 йил 1 февраль

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА

Комплект нархи 1 350 000 сўмдан бошлаб

QUVVAT® МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ишлаб чиқаради

Ўзбекистон бозорида 12 йил

ЭЛЕКТРОН

СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР

ИССИҚЛИК ҲИСОБЛАГИЧЛАР

SUMMATOR-3

Товарлар сертификатланган Хизматлар лицензияланган

Ангрен ш. +(99870) 662 44 77, +(99893) 182 46 57, Тошкент ш. +(99898) 300 22 67

E-mail: sales@quvvat.uz, web-site: www.quvvat.uz

112-09

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркасда
ошхона буюртмага

тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

SANAY Co.Ltd

КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда

Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

товар сертификатланган

ҚУВУРЛАР

полиэтилен H1366-1

d 16 мм дан 800 мм гача, қалинлиги буюртмага кўра монтаж билан

иссиққа чидамли ва иссиқхона ПЛЁНКАСИ

эни 20 см дан 200 см гача, қалинлиги буюртмага кўра

КЛЕЙ ЕЛИМ ёрлиқбоп Шартномавий нархлар

Факс 228-14-56, тел.: 103-14-38, 130-19-76

МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

TÜV CERT EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ

Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

top

237-51-33
237-47-20
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ ва унинг вилоят филиалларида бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Марказий идорасининг аукцион савдосига Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан Ўртачирчиқ т., Кумовул қ.ф.й., 9-бригада манзилида жойлашган, бир қаватли, 11 та хизмат хонаси, 3 та кириш хонасидан иборат бўлган, темир панжаралар билан ўралган "Маҳалла гузари" қўйилмоқда (ижро ҳужжати 16.11.09 й., 2271-сон). Бошланғич баҳоси – 96 895 954 сўм. **Аукцион савдоси 2010 йил 2 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 2 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 16 март куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишиңгиз мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел. 228-7952.

II. РКМБ Фарғона вилояти филиалининг аукцион савдосига: 1. Фарғона тумани СИБ томонидан 23.11.2009 й. 15-09-02/23005-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Фарғона тумани, Миндонобод қишлоғида жойлашган "Башорат" МЧЖга тегишли "ДС-158" русумли асфальт қориш ускунаси, скважин (глубинный насос ЭЦВ8-120-80, каскад, башня, установка комплект)дан иборат ишлаб чиқариш воситалари. Умумий бошланғич баҳоси – 288 705 186 сўм.

2. Фарғона шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 04.08.2009 й. 15-09-01/13789-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Фарғона шаҳар кимёвий толалар заводи ҳудудида жойлашган "Меда Пласт Инвест" МЧЖга тегишли, қурилиш ости майдони –2 456,94 кв. м, фойдали майдони – 1 782,12 кв. м, бўлган ошхона бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 100 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 4 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар 2010 йил 4 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 23 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8-373-224-68-70 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Фарғона вилоят филиалининг АТ "Халқ банки" Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000700571452023, МФО: 00497, ИНН: 200933850. **Диққат қуйидаги мол-мулкларнинг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади:** Фарғона тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, аукцион савдоси 2010 йил 17 февраль ва 5 март кунлари соат 11.00 да ўтказилиши белгиланган, Фарғона тумани, Миндонобод қишлоғида жойлашган "Башорат" МЧЖга тегишли қуйидагиларни: **1.** КСД-1200 русумли тош майдалаш ускунаси. **2.**ГКТП 250/10/6/0,4 русумли подстанция. **3.** ГКПТ 250/10/6/0,4 русумли подстанция ишлаб-чиқариш воситаларини аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади. **Асос:** Фарғона вилоят судлар департаменти ҳудудий бошқармасининг 20.01.2010 й. 36,49/2-сонли алоқа хати. Манзил: Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 35-уй. Тел.: 8-873-224-68-70, 224-68-70.

III. РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг аукцион савдосига Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: **1.** 20.01.2009 й. 2-164-08-сонли ижро варағига асосан хатланган Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 82-уйда жойлашган, қурилиш майдони 689,65 кв. м бўлган қурилиши тугалланмаган савдо мажмуаси. Бошланғич баҳоси - 446 054 400 сўм. **2.** 25.12.2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варағига асосан хатланган, Самарқанд шаҳар, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган Асфальт заводи такроран 10 фоиз арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси 97 785 000 сўм. **Аукцион савдоси 2010 йил 16 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! 2010 йил 16 февралдаги аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 5 март куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 233-80-56 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг АТ "Турон" банк Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452123, МФО: 00282, ИНН: 200933850. Манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85"А"-уй.

IV. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига Суд Департаментининг Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 21.12.2009 й. 1-1510-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Нуримов Салоҳиддинга тегишли, Навоий ш., Ғалаба шоҳкўчаси, 4-даҳаси ҳудудидаги, ум. май. 318,63 кв. м бўлган 7 хонали "ВСТРЕЧА" ошхонаси ва савдо дўкони биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 187 500 000 сўм. **Аукцион савдоси 2010 йил 3 март куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Мазкур мулк 2010 йил 3 март кунги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2010 йил 24 март куни соат 12.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8 (436) 22-4-15-61 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Навоий филиалининг АТ "Ипотека-банк" Навоий филиалидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО 00205, ИНН 200933850, ҳ/р. 20210000300571452458. Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси 1-қават. Тел.: 8 (436) 22-4-15-61, 22-4-64-31.

V. РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг аукцион савдосига Боёвут туман суд ижрочилари бўлими томонидан 09.11.2009 й. 12-0904/7387(11)-сонли ижро варақасига асосан олинган кредит ва кредит фоизини ундириш эвазига хатланган, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2009 йил 25 август кунги 12-0904/7388(11)-сонли ижро варақасига асосан олинган лизинг ва лизинг фоизини ундириш эвазига хатланган, Боёвут туман 1-Боёвут СФУда сақланаётган: 1. Класс "Даминатор-130" русумли, завод рақами 156-96-27, д/б 02-80 ЖФ бўлган, 2006 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси - 122 284 500 сўм. 2. Класс "Даминатор-130" русумли, завод рақами 1580-9412, д/б 2246 ЕА бўлган, 2006 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 111 601 710 сўм 75 тийин. 3. Класс "Даминатор-130" русумли, завод рақами 1580-9413, д/б 2247 ЕА бўлган, 2006 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси - 111 601 710 сўм 75 тийин. **Аукцион савдоси 2010 йил 2 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Сирдарё вилоят филиалининг ДТ Халқ банки Сирдарё шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО 00760, ИНН: 200 933 850, ҳ/р: 20210000800571452122. Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, "Бизнес-Марказ" биноси, 3-қават, 56-хона, мажлислар залида. Тел.: (8-3672) 26-28-93, 26-38-91.

Юқорида кўрсатилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. www.rkmb.uz.

Лицензия: DB 001 №000004.

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик компанияси

"OSIYO-AUDIT" ЎзР МВнинг 29.02.2008 йилдаги 00124-сон лицензияси (1998 йилдан буён фаолият юритади). 500 млн сўмга суғурта полиси мавжуд.

Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари
Барча турдаги аудиторлик хизматлари

Сертификатланган аудиторлар ва бош бухгалтерлар доимий ишга таклиф этилади
Тел.: 236-11-60, факс 236-24-32, уяли 111-36-37. E-mail: osiyo-audit@mail.ru
Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус – (8-361) 350-40-35, Андижон – (+99897) 103-83-08, Бухоро – (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Наманган – (+99869) 250-77-11, Навоий – (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Қарши – (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Фарғона – (+99873) 502-95-74, Хоразм – (8-361) 350-40-35.

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси. 28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

"AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ
- ҚАР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

AFT «KORIFEY-AUDIT» МЧЖ

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари
Барча турдаги аудиторлик хизматлари

Хизматлар лицензияланган ва суғурталанган

Тел. 276-75-57. Тел./факс 276-97-76. Уяли тел. 108-30-16.
E-mail: korifey_aft@mail.ru. Бўнёдкор шоҳкўчаси, 44, 404-офис
("Мирзо Улуғбек" м.б.) Бухоро: 8(365) 522-11-38, 658-53-41, Қарши 8(371) 705-09-41, Хоразм 8(362) 513-34-52, Термиз 8(376) 277-56-61

Top
энг яхшисини топ!
top
237-51-33
237-47-20
237-47-05

ЭЪЛОНЛАР

ИШ

Ташкилотга тезлик билан о/м, иш стажи 10 йил бўлган, маҳаллийлаштириш дастури ва "1С: Бухгалтерия 7.7." бўйича ишлаш кўникмасига эга бош бухгалтер керак.
Тел.: 269-34-34, 269-93-35.

Аудитор иш қидиряпти.
Тел. (+99879) 745-50-12.

Баҳоловчилар керак.
Тел.: (+99890) 302-68-60, 353-04-64.

СОТИЛАДИ

Ташкилот HYUNDAI "VERACRUZE" (жип) автомашинасини сотяпти, 2008 й. и/ч, 14 500 км йўл босган, 7 ўринли, люк, электр пакети, салони - қора чармли, орқа эшиги автоматик тарзда очилади, дисклари – R18, ранги – "ҳаворанг оникс" (садаф тусли). Тўлов – нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан, 120 000 000 сўм. Савдолашилади.
Тел. 310-77-70.

ТСШ-1 русумидаги ёғочга ишлов берувчи фрезер, фойдаланилган.
Тел.: 265-97-76, 375-64-23.

"Жума бозор" орқасидаги 6 сотихли дала ҳовлиси.
Тел.: 561-25-44, 265-97-76.

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ

"1С: Бухгалтерия". "1С: Савдони бошқариш".
Тел.: 150-41-47, 337-44-50. www.kolizey.uz.

Фирма "1С: Бухгалтерия 7.7" бўйича хизматлар кўрсатади: намунавий ва намунасиз конфигурацияларни созлаш, дастурлаш, кузатув, ўқитиш.
Тел. 765-01-20.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш.*
Тел.: (+99898) 302-68-60, 245-75-47.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари.* Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Баланслар. Маслаҳатлар бериш.
Тел. 100-65-80.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юридик хизматларнинг барча турлари. Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик, жиноят ишлари (натижаларга кўра ҳақ тўланади).*
Тел.: (+99897) 100-47-33, (+99897) 330-45-71.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.* Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.*
Тел.: 343-41-56, 448-74-69.

ХИЗМАТЛАР

Корхона ва ташкилотларга. Турли металл конструкциялар тайёрлаймиз. Тўлов – исталган шаклда. Терминал.
Тел. 100-10-81.

*Хизматлар лицензияланган.

РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 21 ва 25 январдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб топилган ва тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		КТУТ (ОКПО)	Қарор рақами
"AZIMUT PLUS SERVIS QURILISH" МЧЖ*	300931542	11.09.08	003435-03	22479078	10-01013/618
"DIADOR-PLUS" ХК	300559972	07.09.07	002754-03	22103373	10-01013/619

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчилари этиб С.Абдураҳимов ва Т.Муртазоев тайинланган. Корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 10 февралда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 19 январдаги ҳал қилув қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"Alyumosilkat iim" МЧЖ	10-0907/20009
"Savlat-Qurilish" ХФ	10-0907/20010
"Himoya-Servis" МЧЖ	10-0907/20011
"MFB-Enjineering" ХФ	10-0907/20012
"Shinam Qurilish Servis" МЧЖ	10-0907/20013

Мазкур корхоналарнинг топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга нисбатан талаб ва таклиф ҳамда эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент ш., Рахматуллин кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биноси, 209-хонада қабул қилинади. Тел. 262-17-82.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 22 январдаги 10-1019/933-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "SARDORBEK MAX" МЧЖ (юридик манзили: Мироқилов кўчаси, 76-уй) бўйича банкротлик кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхонанинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2010 йил 8 февраль соат 10.50 да Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 1-қаватидаги 1-сонли суд мажлиси залида бўлиб ўтади. Ушбу корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 5 февраль куни соат 10.00 да Яккасарой туман ДСИ биносида қуйидаги манзил бўйича ўтказилади: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, 4-қават, 408-хона.
Тел. 250-30-77.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 22 январдаги ажримларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"GRAND-GROUP" MCHJ	10-1007/1066
"IRIS INDUSTRY" MCHJ	10-1007/1067
"LIGHT TECH KOMPUTERS" MCHJ	10-1007/1063
"ALI-SHER MAX BIZNES" MCHJ	10-1007/1062
"FAN KLAPT" MCHJ	10-1007/1065
"MUSLIMOV MUROTJON SAVDO" XK	10-1007/1064

Мазкур корхоналар бўйича кредиторларнинг 1-йиғилиши 2010 йил 3 февраль соат 10.00 да Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2010 йил 5 февраль куни соат 12.00 да Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ДСИ биносининг 307-хонасида сайёр очиқ суд мажлисида кўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга.

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ
www.restoran.uz

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ
ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Буюртма 436 Алади 5620. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 29 январда соат 22.00 да тонширилди.
ISSN 2010-5223